

**“Ўзбекистон темир йўллари”
Тошкент темир йўл муҳандислари институти**

Таҳлил назарияси

**“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”, “Иқтисодиёт” йўналишидаги
бакалаврлар учун маърузалар матни**

Тошкент - 2010

4УДК :58.012.12

Ушбу “Таҳлил назарияси” фанидан ёзилган маърузалар матни ўқув дастурига асосан ёзилган бўлиб, 5340900 - “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”, 5340100- “Иқтисодиёт”, 5340200 – “Менежмент” ихтисослиги бўйича таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган.

Маърузалар матнида таҳлилнинг мазмуни, моҳияти, вазифалари тўғрисидаги бошланғич маълумотлар берилсин. Корхоналар фаолиятини таҳлил қилишда фойдаланиладиган усуллар ҳақида батафсил тўхтаб ўтилган.

Маърузалар матни “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси мажлисида кўриб чиқилди ва ўқув жараёнида фойдаланиш учун тасдиқланиб, нашр этишга тавсия қилинди.

Институт таҳририй кенгашида тасдиқланган.

Тузувчи: Мирбабаева Д.М., ТошТЙМИ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси, катта ўқитувчи

Такризчилар: Тошкент Солиқ академияси “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти, и.ф.н. Абдибаева Т.Х.

ТошТЙМИ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти, и.ф.н. Закирова Г.Т.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш мақсадида иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Республикамиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган бир даврда сифатли кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратмоқда-ки, бунинг натижасини Республикамиз ҳукумати томонидан қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да кўришимиз мумкин.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда, юқори малакали етук иқтисодчи мутахассислар тайёрлашда муҳим ўринни ўқув адабиётлари, услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, амалий машғулотлар ўтказиш учун масалалар тўпламлари тузиш ва бошқа замонавий қўлланмалар яратиш ҳамда талабларни зарур адабиётлар билан тўлиқ таъминлаш эгаллайди.

Маъруза №1. Иқтисодий таҳлил бошқаришнинг муҳим воситаси эканлиги ва унинг асосий тамойиллари

Режа

1. Билиш назарияси ва иқтисодий таҳлил
2. Иқтисодий–таҳлил бошқарувнинг муҳим функцияси сифатида
3. Бозор иқтисодиёти ва иқтисодий-таҳлил
4. Иқтисодий-таҳлил тамойиллари

1.Билиш назарияси ва иқтисодий таҳлил

Билиш – фалсафа фанининг фундаментал услубий бўлими бўлиб, у объектив борлиқни инсон онгида акс этишини ўргатади.

Замонавий фанларнинг усул ва услубларини умумлаштириб шуни айтиш мумкин-ки, билиш жараёнида қуйидаги воситалардан кенг фойдаланилади. Анализ ва синтез, эксперимент, моделлаштириш. Буларнинг барчасини амалга оширадиган, асосини ташкил этадиган инсоннинг ўзидир. У моҳиятига кўра барча ҳолатларни юқори даражасида анализ-синтез этадиган инсон миясининг фикрлаш қобилиятидир.

Фикрлаш, ижодий жараён сифатида тушунча, ҳукм, хулосаларни ўз ичига олади. Обьектив реаллик: ходисалар, буюмлар, кўрсаткичлар ўз шакли ва мазмунига ҳамда хусусиятларига кўра фарқланади, гуруҳларга ажратилади ёки фикрлаш воситасида муайян тушунчани ҳосил қилади.

Ҳукм орқали нимадир тасдиқланади ёки инкор этилади. Таҳлил этилган жараёнлар синтез этилиб, хулоса чиқарилади.

Айтилганлардан маълум бўлмоқдаки, билиш назарияси орқали ўрганилаётган борлиқ муайян объекти тўғрисида ишончли ва ҳаққоний маълумотларга эга бўламиз.

Барча тармоқ фанларининг услубий асоси сифатида билиш назарияси иқтисодий таҳлилнинг моҳияти, заруррийлиги ва натижасини аниқлаб беради.

Иқтисодий таҳлил амалий фандир. Агар у билиш назариясига таяниб ривожланса, инсоннинг амалий фаолиятида иқтисодий самарадорлик ошади. Бу эса фаннинг амалий ҳаётда ўз ўрнини топганидан далолат беради.

Иқтисодий таҳлил ўз фаолиятида диалектиканинг асосий тамойилларига асосланади. Улар қуйидагилардан иборат:

- доимо ҳаракат;
- ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқлик;
- сабаб-оқибат;
- координация ва субкоординация;
- карама-қаршилик;
- миқдор ўзгаришидан сифат ўзгаришига;
- инкорни-инкор ва шу кабилардир.

Таҳлилининг хусусияти, зарурийлиги ва қимматли томони шуки, у воқеа ҳодисаларни динамикасини ўрганади.

Бу жараёнда мазкур фан предмети объектив реалликни доимо ҳаракатда, ўзгаришда деб ўрганади.

Бир бутун объектни фикран бўлакларга бўлиб ўрганиш таҳлилда ўта аҳамиятли тадқиқот усули ҳисобланади. Мазкур усул ўрганилаётган ҳодисани ички моҳиятини очишда ва уни турли омилларга боғлиқлигини аниқлашда жуда муҳимдир. Бундай фикрлашда фалсафанинг абстракт усул-услугларидан кенг фойдаланилади.

Таҳлилда бир бутун ҳодиса ёки предмет бўлакларга бўлиниб, унинг ҳар бирининг алоҳида томонлари ўрганилади. Лекин, бу билан ўрганилаётган объектни тўла маънода тавсифлаб бўлмайди. Бунинг учун, объектни ўрганилаётган томонларини умумлаштириб, умумий жиҳатларни ҳосил қилиш керак. Мазкур масала синтез усули билан амалга оширилади.

Умуман, ҳодиса ёки жараёнлар ўрганилиб илмий хулосалар чиқаришда таҳлил ва синтез усули биргаликда ҳаракат қилади. Мазкур тартиб объектнинг диалектик бирлигини таъминлайди. Бу билан тадқиқ этилаётган предмет ёки ҳодисаларни диалектик бирлигини ҳар томонлама билиш мумкин.

Фактлар таҳлилидан назарий синтезга ўтиш индукция ва дедукция методлари ёрдамида амалга оширилади.

Индукция- алоҳида фактлар билимидан умум билимларга (яъни қонунлар ёки бошқа амалий ва зурурий алоқаларни акс эттирадиган)ўтиш усулидир.

Дедукция— фикрларни умумийликдан хусусийликка тадбиқ этиш усулидир. Бунга, умумий таснифдаги қонунлар, боғлиқликлар хусусий таснифга ўтказилади.

Мазкур усуллар ёрдамида иқтисодий ҳодисаларни ҳам хусусий, ҳам умумий жиҳатлари ўрганилиб, тегишли ҳулосалар олиниб амалиётга тадбиқ этилади.

Юқорида кўриб чиқилган билишнинг элементлари, усуллари (диалектика, анализ, синтез, индукция ва дедукция) иқтисодий таҳлил фанидан ҳам иқтисодий воқеа ва жараёнларни ўрганишнинг асосини ташкил этади.

Иқтисодий таҳлил айтиб ўтилган умумий усуллар ва хусусий жиҳатлар билан биргаликда алоҳида фан сифатида юзага чиқиб, корхоналарни тадқиқ қилиш тизилмасига эга бўлади.

2. Иқтисодий таҳлил бошқарувининг муҳим функцияси сифатида

Турли мулкчилик тизимида асосланган иқтисод бозор механизмининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Унинг субъектлари бўлган корхона ва ташкилотлар, алоҳида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар мулкнинг эгаси ва тасарруф этувчи сифатида уни тўғри бошқаришдан манфаатдордирлар, бу эса албатта содир бўлётган хўжалик жараёнлари ва ҳодисаларини даврий кузатишни, фаолият натижавийлигини батафсил ўрганишни иқтисодий таҳлил қилишни талаб этади. Шу жиҳатдан корхона (фирма) фаолиятини бошқаришнинг муҳим воситаси ва қуроли бўлган иқтисодий таҳлил ўта аҳамиятли ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти даврида мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар корхоналар ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиши энг аввало тизилмада бошқарув ролини оширишдан бошланади. Чунки, бошқарув воситасида корхона ўз олдидаги вазифаларини ҳал қилади ва қўйилган мақсадга эриша боради.

Корхонада бошқарув тизилмаси ўз объекти ва субъектидан иборат бўлади.

Бошқарув объекти—бу ишлаб чиқариш, субъекти эса бошқарув таркибидир.

Бошқарув объекти—бошқарув объектининг таснифи ва ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб ташкил этилади.

Лекин, субъект ҳар доим ишлаб чиқариш ва хўжалик жараёнларини ўзгаришига кўра объект шакли ва унга таъсир этувчи усулларни белгилайди ҳамда такомиллаштириб боради. Бошқарувчи кичик тизилма бошқарув объектни назорат этади, тартибга солади, мақсад ва дастурларни бошқарув функциясига кўра ишлаб чиқади. Демак, бошқарув субъекти корхона тизилмасида муҳим вазифани бажарар экан.

У бошқарувнинг етакчи функцияларини: маркетинг, режалаштириш, бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, тартибга солиш, назорат ва аудитларни амалга оширади.

Белгиланган режаларни амалда қандай бажарилаётганини ёки ишлаб чиқаришни бориш тўғрисидаги реал аҳвол бухгалтерия ҳисоби ёрдамида

ўрганилади. Бухгалтерия ҳисобида шаклланган маълумотлар пировард натижада бошқарув эҳтиёжлари учун ишлатилади. Бошқарув қарорлари эса таҳлил маълумотларига асосланади. Демак, иқтисодий таҳлил режа, бозордаги аҳвол ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида объектдаги ўзгаришни миқдор ва сифат жиҳатидан ўрганади ҳамда баҳо беради. Унинг ёрдамида йул қўйилган камчиликлар топилади ҳамда тугатилади, объектни янади ривожлантириш йўллари белгиланади ёки самарали ишлашни таъминлайдиган йўналишга ўтказилади. Бу эса, бошқарув қарорларини нечоғлик реал қабул қилинишига асос бўлади.

Бошқарувда асосий фаолиятни ишончилигини таъминлашда назорат этишининг ҳам роли каттадир. Унинг ёрдамида фаолиятнинг бориши, уларнинг нечоғлик ҳаққонийлиги текширилади. Текшириш жараёнини сифати, ишончилигини ошириш учун таҳлилининг усуллари, тамойилларидан фойдаланилади ва шу асосда керакли хулосалар ёзилади.

3. Бозор иқтисодиёти ва иқтисодий таҳлил

Бозор иқтисодиёти-бозорнинг ўзига хос қонунлари ва функцияларини бажаришга асосланган иқтисодий муносабатлар йиғиндисининг тўла маънода юзага чиқиш шаклидир. Бу жараёнда бозор муносабатларининг барча жиҳатлари, хусусиятлари амал қилади.

Бозор субъектлари, яъни ишлаб чиқарувчилар ёки харидорлар мавжуд таркиб топган тузилмадаги талаб ва таклиф, пул муомиласи, рақобат ва шу каби томонларга мослашиб ўз фаолиятини амалга ошириши шарт. Бу эса уларнинг яшаб қолиш ёки ривожланишини таъминлайди. Акс ҳолда, улар ўзлари олдида қўйилган мақсадга эриша олмай бозор муносабатларида ўринларини йўқотадилар.

Шунга кўра, корхоналар бозордаги мавжуд ҳолатни ва ўзларидаги ички имкониятларни чуқур ўрганмай туриб фаолиятларини амалга ошира олмайдилар ёки қўйилган мақсадга эриша олмайдилар.

Бозор шароитида корхоналар ўз фаолиятини бошлаши ёки давом эттиришидан олдин, даставвал ўзининг барча ҳолат ва имкониятларини чуқур таҳлил қилишга мажбур. Натижада таваккалчиликка асосланган, лекин айни пайтда илмий асосга эга бўлган фаолият дастури ишлаб чиқилади. Унга амал қилиш эса маблағлардан тўғри ва самарали фойдаланишни таъминлайди.

Бозорни шаклланиши билан боғлиқ ҳолда, таҳлил субъектлари учун ўрганиладиган объектлар ҳам кўпайиб бормоқда. Бозордаги инфраструктура хизматидан бошлаб, то корхонадаги таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш ва бошқа ҳисоб-китоб ҳамда молиявий муносабатларгача таҳлил объекти бўлиб қолди.

Корхоналар ишлаб чиқариш ва тижорат ишларини амалга ошира бошлаганида ҳақиқий маълумотлар олиниб, улар режа кўрсаткичлари билан таққосланиб кўрилади. Бу билан режанинг нақадар реаллигига баҳо берилади,

юзага келган ижобий ёки салбий ҳолатлар аниқланади, ҳамда қай даражадаги имкониятлар мавжудлиги ўрганилади. Ҳақиқий маълумотлар бевосита бозордаги ҳолат билан ҳам боғланади. Бозордаги ўзгаришлар ва уларнинг корхона фаолиятига ижобий ёки салбий таъсири тезкорлик билан таҳлил қилинади. Шу асосда тегишли чора-тадбирлар белгиланади.

Айтилганлардан маълум бўлмоқдаки, бозор шароитида иқтисодий таҳлил воситасида барча жараёнлар аниқ фактлар билан аналитик усулда таҳлил қилиниб, уларни синтез йўли билан умумлаштириб тегишли қарорлар қабул қилинади ҳамда корхона фаолиятига аниқ таъсир ўтказилади.

Албатта, иқтисодий таҳлил бозор шароитида фақатгина ҳақиқий ҳолатни ўрганиб уни ижобий томонга ўзгартириш вазифасини бажарибгина қолмайди, балки унинг воситасида корхоналар, ташкилотлар, шахслар учун ҳам зарур бўлган маълумотлар тайёрланади. Бу билан корхонани иқтисоди тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қилинади. Натижада эса, корхонага кўплаб ҳамкорлар жалб қилинади.

4. Иқтисодий таҳлил тамойиллари

Табиат ва жамиятдаги воқеликни ўрганувчи ва уларнинг тадқиқ қилиш объекти деб қаровчи алоҳида фаннинг ўзи амал қиладиган тамойиллари мавжуд бўлади. Тамойиллар ўрганиладиган объектни бир бутунлиги, реаллиги ва воқелигини тавсифлайди. Таҳлилнинг ҳам иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда ўзи амал қиладиган тамойиллари бор. Мазкур тамойиллар таҳлил фани объективлигини, мантиқчилигини, шакл-мазмунини, миқдор-сифатини ва бошқа жиҳатларни тавсифлаб реал воқеликнинг ягона тушунчасини ҳосил қилади.

Бу тамойилларнинг халқаро ва миллий ҳисоб андозалари асосида қуйидаги шакилларни айтиб ўтиш мумкин.

Иқтисодий таҳлил тамойиллари

№	Тамойиллар	Мазмуни
1	2	3
1	Тизилмалилик	Таҳлил этилаётган объект алоҳида бир бутун тузилма ёки тизилманинг элементи деб қаралади.
2	Ишончлилик	Олинган маълумотларда хато йўқлиги ва ҳаққоний эканлиги, реаллиги
3	Таққосланувчанлик	Кўрсаткичлар таққосланувчанлигига, уларнинг бир асосли тарзда турли даврлар ва бошқа корхоналар фаолияти тўғрисидаги ҳудуд шундай маълумотлар билан қиёсий ўрганиш
4	Бетарафлилик	Ахборот фойдаланувчиларнинг бир гуруҳининг зарари ҳисобига бошқа гуруҳлар манфаатларининг қондиришнинг ўринсизлиги

5	Даврийлик	Олинган маълумотларнинг даврий оралиғи, хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар билан вақти билан таъминлаб туриш
6	Пулли баҳолаш	Барча активлар, капитал ва мажбуриятларнинг сўмда ифода этилиши
7	Ҳисобга олиш	Даромад ва харажатларнинг юзага чиқиш вақти, ўрни ва марказлари бўйича ҳисобга олиниши.
8	Мазмуннинг шаклдан устунлиги	Маълумотларнинг ҳисоб ва ҳисоботдаги ҳуқуқий шаклида унинг моҳияти ва иқтисодий воқелиги бўйича ҳисобга олишдаги ифодасини устунлиги
9	Аниқ баҳолаш	Активлар ва фойданинг жорий давр бозор нархларида қайта ифодаланиши
10	Узлуксизлик	Корхона хўжалик фаолияти юзасидан барча жараёнларни ўз якунига қадар ҳисобда узлуксиз акс эттирилиши
11	Бошқа тамойиллар	

Таянч иборалар

- таҳлил сўзининг мазмуни;
- анализ ва синтез ҳодиса ва жараёнларни батафсил ўрганиш йўли;
- таҳлил ва бошқарув;
- бошқарув воситалари;
- иқтисодий таҳлилнинг асосий принциплари.

Назорат саволлари

1. Билиш назаряси ва унинг фанни ўрганишдаги аҳамияти нимада?
2. Анализ синтез қонуниятини қандай тушунасиз?
3. Индукция ва дедукция методлари нимани ифодалайди?
4. Иқтисодий таҳлил диалектикани қандай тамойилларига асосланган?
5. Иқтисодий таҳлил бошқарувнинг муҳим функцияси эканлиги нималарда кўринади?
6. Корхона молия-хўжалик фаолиятига баҳо беришда иқтисодий таҳлил қандай рол тутаяди?
7. Бозорни ўрганишда иқтисодий таҳлилнинг роли ва аҳамияти нимада?
8. Иқтисодий таҳлилнинг қандай тамойиллари мавжуд?
9. Уларнинг ўзгаришига вақт омили таъсир этадими?

Асосий адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент. «Ўзбекистон»-1996 йил.
2. И.А. Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент. «Ўзбекистон»-1996 йил.
3. И.А. Каримов. «Буюк келажак сари». Тошкент. «Ўзбекистон»-1998 йил.
4. И.А. Каримов. «Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз». Тошкент. «Ўзбекистон»-1998 йил.
5. М.И. Баканов, А.Д.Шеремет. «Теория экономического анализа». М. «Финансў и статистика» 1999 г.

+ўшимча адабиётлар

6. М.И. Баканов, А.Д.Шеремет. «Теория экономического анализа». М. «Финансў и статистика» 1999 г.
7. М.И. Баканов, А.Д.Шеремет. «Теория экономического анализа». М. «Финансў и статистика» 1997 г.
8. И.Т.Абдукаримов. «Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари». Тошкент. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси».1999 йил.
9. А.Т. Иброҳимов. «Молиявий таҳлил». Тошкент. «Меҳнат». 1996 йил.
- 10.К.Р.Раҳмонов. «+ишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини иқтисодий таҳлили». Тошкент. «Фан». 1996 йил.
- 11.А.Х.Шоалимов. «Саноат корхоналари фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш». Тошкент. «Меҳнат» 1992 йил.
- 12.О.Ефимова. «Финансовўй анализ». Москва. «Финансў и статистика». 1997 г.
- 13.А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфулин. «Методика финансового анализа». Москва. 1996 г.
- 14.В.Савицкая. «Анализ хозяйственной деятельности». Москва. «Финансў». 1999 г.
- 15.М.И.Пардаев. Б.И.Исроилов. Молиявий таҳлил. Тошкент «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси». 1999 йил.

Маъруза№ 2. Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни, предмети ва вазифалари

Режа

1. Корхоналарни бошқаришда иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти
2. Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни
3. Иқтисодий таҳлилнинг предмети
4. Иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифалари
5. Фанлар системасида иқтисодий таҳлилнинг ўрни

1. Корхоналарни бошқаришда иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти

Республикаимиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган бир шароитда корхоналарнинг ривожланиши бевосита уларнинг бошқариш тизимида

боғлиқ. Республикамиз ҳалқ хўжалигидаги корхоналар фаолиятини самарали бошқариш учун эса улар фаолиятини мутассил ўрганиб, таҳлил қилиб туриш муҳим аҳамиятга эгадир. Иқтисодий таҳлил иқтисодий ахборот маълумотларини ўрганиб, қайта ишлаб жамият ишлаб чиқаришини тезкорлик билан йўлга солиб туради.

Корхона хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ва уни устидан назорат ишларини олиб бориш учун раҳбарият керакли маълумотлар билан таъминлаши зарур. Бунинг учун корхонанинг хўжалик фаолияти узлуксиз кузатиб борилади. Кузатиш йўли билан олинган маълумотлар маълум миқдор кўрсаткичларида ифодаланиб, исталган вақтда фойдалана олиш учун улар ўзига ҳос тартибда рўйхат қилиб борилади. Корхона хўжалик фаолиятида юз берадиган айрим ҳодисаларни кузатиш, ўлчаш ва рўйхат қилиш унинг фаолиятини миқдорларда акс эттиришдан иборат бўлади. Бу нарса хўжалик ҳисобининг асосий мазмунини ташкил қилади.

Ҳозирги даврда ҳалқ хўжалигини бошқариш анча мураккабдир. Бошқарувнинг асосларидан бўлиб тежамкорлик ҳисобланади. Хўжалик ҳисоби тежамкорликни амалга ошириб, асосий фондлардан самарали фойдаланишни, корхонада мавжуд бўлган хом-ашё ва материалларни тежаб сарфлашга ҳамда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишини тақозо этади. Корхоналарни оқилона бошқаришда корхонада мавжуд бўлган моддий ресурсларини меҳнат ресурсларини ҳамда молиявий ресурсларини иқтисод қилиш, маҳсулот таннархини харажат моддалари бўйича таҳлил қилишни тақозо этади. Фақат кундалик назорат ва тезкор таҳлилгина харажатларни белгиланган нормативлардан фарқ қилишини аниқлаб беради. Таҳлилни ҳақиқийлигини ва натижали бўлишлиги кўп жиҳатдан таҳлил ишларини уюштириш ёки ташкил этишга ҳамда режалаштиришга боғлиқдир.

2. Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни

Бозор муносабатлари соҳасида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз тасарруфидаги барча ресурслар-молиявий ва меҳнат ресурслари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни таъминлаши зарур бўлди. Аммо кўпгина корхона ва ташкилотлар иқтисодий мустақиллик ҳамда ички ва ташқи бозорда битимлар тузиш ҳуқуқини қўлга киритганларидан сўнг хўжалик юритишнинг янги шароитларига тайёр эмасликлари аён бўлиб қолди.

Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув субъектларига фақат ахборотга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу ахборот билан ишлаш, тўғри хулосалар чиқариш ва улардан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланиш зарур бўлади. Самарали бошқаришда энг муҳим ахборот ва ундан фойдалана билишдир.

Иқтисодий ахборотлар билан ишлашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири уни таҳлил қилишдир. Таҳлил давомида хўжалик фаолиятини ўрганишда

ҳамда хулосалар чиқаришда асос бўладиган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Иқтисодий таҳлилни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари иқтисодиётни бошқаришни қайта кўришнинг моҳияти ва уни амалга ошириш тамойиллари билан бевосита белгиланади. Иқтисодиётни бошқаришни тубдан қайта кўришнинг моҳияти барча даражаларда асосан маъмурий раҳбарлик усулларида иқтисодий усулларга, манфаатлар орқали бошқаришга, бошқаришни кенг демократиялашга, инсон омилини бутун чоралар билан кучайтиришга ўтишдир. Ҳозирги босқичда туб ислохатни амалга ошириш бозор иқтисодиёти афзалликларини мумкин қадар тўлароқ рўёбга чиқариш имконини берадиган яхлит, самарали ва эпчил бошқариш системасини вужудга келтиришни тақозо қилади.

Ҳар бир предмет жамият, табиат, идроклаш, тараққиёт ҳақида маълум бир билим беради. Бундай билим беришда ёки ўрганишда табиат ва жамиятни ривожлантиришдаги умумий қонуниятларга, тамойилларга амал қилинади.

Иқтисодий таҳлил ҳам аниқ фан сифатида қуйидагилар ҳақида махсус билим беради:

- Иқтисодий жараён, ҳодиса ва воқеаларни ривожланишини, ўзгаришини объектив (ташқи) ва субъектив (ички) таъсир этувчи омиллар билан умумий боғлиқ ҳолда ўрганиш;
- Ўрганилаётган фирма, ташкилот, муассаса ва уюшмаларнинг фаолиятига тўлиқ, аниқ ва ҳолисона баҳо бериш;
- Ижобий ва салбий таъсир этган омилларни аниқлаш, рақамларда кўрсатиш ва ҳисоблаш;
- Бор бўлган имкониятлар, самарадорликни оширишни йўл-йўриқларини кўрсата олиш;
- Илғор ғоя ва тажрибаларни ўрганилаётган жараёнга қўллаш йўналишларини белгилаш.

Иқтисодий таҳлилда ўрганилаётган ҳодиса ёки жараён майдадан-йирикка, оддийдан мураккабга ёки аксинча ўрганилади, ҳамда умумий бирлиги ва бир-бири билан узвий боғланиши эътиборга олинади. Демак, хўжалик фаолиятини таҳлили фирмаларнинг иқтисодий фаолиятини объектив ва субъектив омилларни эътиборга олиб ўрганади.

3. Иқтисодий таҳлилнинг предмети

Фанни предмети дейилганда, шу фан нимани ўргатади деган саволга жавоб бериш орқали келтириб чиқарамиз.

Таҳлилнинг предмети деб—фирма, уюшма бирлашма ва ҳоказоларни хўжалик жараёнлари, уларнинг ижтимоий—иқтисодий самарадорлигини ва уларнинг фаолиятининг якуний молиявий натижаларини ўрганиш тушунилади. Бундан ташқари, бундай ўрганишда таъсир этувчи субъектив ва объектив

қонуниятларига амал қилинади, шунингдек ўрганиш учун кўпгина иқтисодий маълумотлардан фойдаланилади.

Фаннинг предметиининг таърифидан шу нарсга кўриладики, фан корхоналарининг хўжалик жараёнларини, қандай иқтисодий самарадорликка эришганлигини, ҳамда бу самарадорликни ўзгаришига таъсир этган объектив сабаблар (корхона фаолиятига мутлақо боғлиқ бўлмаган), яъни давлат сиёсати, бозордаги талаб ва таклиф, баҳо, табиий омиллар ва ҳоказоларни ўрганар экан.

Бундан ташқари, корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган субъектив омилларни ҳам эътиборга олиб таҳлил қилиш тушунилади. Субъектив омил дейилганда-корхоналарнинг амалий фаолияти билан самарадорликка эришиш, яъни, меҳнат, моддий ва асосий фондлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш ва юқори фойда олиш эвазига корхоналар фаолиятини яхшилаш мумкинлиги ҳам ўрганади. Иқтисодий манбалардан фойдаланиб ўрганиш дейилганда эса бугалтерия, статистик, тезкор ҳисоб маълумотларидан фойдаланган ҳолда корхона ва фирма фаолиятини аниқ рақамлар билан ўрганилиши ва уларнинг умумлатирилиши тушунилади.

4. Иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифалари

Ҳар бир фаннинг вазифаси иқтисодий шарт шароитга қараб белгиланиб борилади, лекин у олдида қўйилган вазифаларни тўлиқ ва кенг ҳал этиш учун қатор услубларни қўллайди.

Иқтисодий таҳлил фанининг асосий вазифалари қуйидагилар:

- Ўрганилаётган объектив ҳодисага тўғри ва ҳолисона баҳо бериш;
- Тузилган бизнес режаларнинг тўғри ва илмий асосланганлигига баҳо бериш;
- Моддий, меҳнат ва молиявий бойликлардан самарали фойдаланганлигига баҳо бериш;
- Хўжалик ҳисоби тамойилларига, хўжалик ҳисоб—китобларига амал қилишликни мунтазам текшириб туриш;
- Корхоналарда мавжуд бўлган самарадорликни ошириш йўлида уларнинг имкониятларини аниқлаш;
- Энг тўғри ва оқилона, келгусида иш юритиш ва корхоналарни бошқариш бўйича хулосалар бериш;
- Корхоналарни ривожлантиришнинг жорий ва истиқболли режаларини тузиш учун иқтисодий кўрсаткичлар асосини аниқлаш;
- Режанинг бажарилишига объектив баҳо бериш ҳамда уни бажаришда корхоналарга боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган омиллар ва сабабларни бири-биридан ажратган ҳолда аниқлаш;
- Корхоналарнинг хўжалик фаолияти жараёнида эришиши мумкин бўлган натижаларни олдиндан аниқлаш.

5. Фанлар системасида иқтисодий таҳлилнинг ўрни

Иқтисодий таҳлил фани объектив заруратдан, талабдан келиб чиққан аниқ иқтисодий фан бўлиши билан бир қаторда, бошқа фанлардаги умумий қонуниятлар, тартибларга риоя қилади.

Иқтисодий таҳлил фани қуйидги фанлар билан ўзаро алоқадордир:

- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит;
- Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
- Микро ва макро иқтисод;
- Режалаштириш (бизнес режа тузиш);
- Статистика ва информатика;
- Молия, банк, солиқ, масалаларига тааллуқли фанлар билан;
- Иқтисодий математика ва компьютер асослари фани билан;
- Ҳуқуқий фанлар билан;
- Табиий фанлар билан ва ҳоказолар.

Бизга маълумки, бухгалтерия ҳисоби мулкчиликнинг турли шакллардаги корхоналар хўжалик фаолиятини ялпи, узлуксиз ва ҳужжатларга асосланган ҳолда акс эттириш тизимидир. Яъни хўжалик жараёнида содир бўлган ҳодиса ва жараёнларни узлуксиз равишда ҳужжатларда акс эттириб бориш ҳамда тегишли проводкаларни бериб боришдан иборатдир. Иқтисодий таҳлил эса хўжалик жараёнларида содир бўлган ҳодиса ва жараёнларни таҳлил усуллари орқали ўрганиб, тегишли хулосалар ва таклифларни бериши мумкин бўлади.

Таҳлил билан молия солиқ органари ва давлат банки ходимлари ҳам шуғулланадилар. Улар аввало сўм билан назорат қилиш, корхоналарнинг давлат бюджети билан бўлган ўзаро муносабатларига тааллуқли масалалар билан қизиқади.

Статистика органлари ҳам иқтисодий таҳлил билан шуғулланади. Улар қабул қилинган ҳисобот материалларини статистика усуллари билан қайта ишлаб вазирликлар, бошқармалар ва корхоналарни йиғма ахборот материаллари билан таъминлайди.

Корхоналарнинг фаолиятини таҳлил қилиш юқори ташкилотларнинг вазифаси ҳам бўлиб, улар корхоналарининг ҳисоботини тасдиқлайдилар ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини баҳолаб, тегишли қарорлар қабул қиладилар.

Таянч иборалар

- иқтисодий таҳлил фанининг мазмуни;
- таҳлил фани предметининг таърифи;
- фаннинг вазифалари;
- иқтисодий назария ва таҳлил фанларнинг боғлиқлиги;
- бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил;
- аудит ва таҳлил;
- маркетинг ва таҳлил;
- молия ва таҳлил;

- солиқ ва таҳлил.

Назорат саволлари

1. Корхоналарни бошқаришда иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти нимада?
2. Корхона молия хўжалик фаолиятини бошқаришнинг босқичлари?
3. Макро ва микро даража бошқарув деганда нимани тушунасиш?
4. Иқтисодий таҳлил фанининг мазмунини қандай шарҳлаш мумкин?
5. Иқтисодий таҳлил фанининг предмети нима ташкил этади?
6. Иқтисодий таҳлил фани предметига берилган таърифнинг муқобил вариантлари бўйича қандай таърифларни келтира оласиз?
7. Иқтисодий таҳлил олдида корхона фирма фаолиятини мақсадли бошқаришда қандай вазифалар қўйилади?
8. Фанлар тизимида иқтисодий таҳлил қандай ўрин тутди ва унинг бошқа фанлар билан қандай боғланишлари бор?
9. Иқтисодий таҳлил фанининг ижтимоий гуманитар фанлар билан боғлиқлиги борми?

Асосий адабиётлар

1. И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент. «Ўзбекистон». 1996 йил.
2. И.А.Каримов. «Буюк келажак сари». Тошкент «Ўзбекистон». 1998 йил.
3. М.И. Баканов, А.Д. Шеремет. «Теория экономического анализа». М. «Финанс и статистика». 1999 г.
4. М.И. Баканов, А.Д. Шеремет. «Теория экономического анализа». М. «Финанс и статистика». 1999 г.

Қўшимча адабиётлар

5. М.И. Баканов, А.Д. Шеремет. «Теория экономического анализа». М. «Финанс и статистика». 1999 г.
6. И.Т. Абдукаримов. «Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари». Тошкент. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси». 1999 йил.
7. А.Т. Иброҳимов. «Молиявий таҳлил». Тошкент. «Меҳнат». 1996 йил.
8. К.Р. Раҳмонов. «Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини иқтисодий таҳлили». Тошкент. «Фан». 1996 йил.
9. А.Х. Шоалимов. «Саноат корхоналари фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш». Тошкент. «Меҳнат». 1992 йил.
10. О.Ефимова. «Финансовый анализ». Москва. «Финансы и статистика». 1997 г.
11. В.Савицкая. «Анализ хозяйственной деятельности». Москва. «Финанс». 1999г.

Маъруза №3. Иқтисодий таҳлилнинг методи ва усуллари

Режа

1. Иқтисодий таҳлил методи ва унинг муҳим хусусиятлари
2. Иқтисодий таҳлилнинг услубларини гуруҳларга ажратиш
3. Таққослаш услуби ва уни қўллашда амал қиладиган шартлар
4. Гуруҳлаштириш услуби
5. Балансли боғланиш услуби
6. Абсолют ва нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш услуби
7. Занжирли боғланиш услуби ва унинг иқтисодий таҳлилда қўлланилиши.

1. Иқтисодий таҳлилнинг методи ва унинг хусусиятлари

Ҳар бир фаннинг методи объектив борлиқни табиат ва жамиятни ривожланишини ўрганишда унга қандай ёндошиш лозимлигини кўрсатади.

Метод-грекча «metodos» сўзидан олиниб, назариёт, таълимот ва амалиётларни ўрганишдаги изланиш йўллари деган маънони англатади. Кенг маънода метод дейилганда, ҳақиқатни, объектив борлиққа, табиат, жамият ва мавжудотларни ривожланишини, материалистик дунёни диалектик-материалистик қонуниятларга асосланиб ўрганишлик тушунилади.

Иқтисодий таҳлил фани ҳам корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини ўрганишда диалектик материалистик метод қонуниятларга амал қилади.

Иқтисодий таҳлил методининг ўзига хос хусусиятлари:

- Хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўпгина кўрсаткичлар системасини қўллаш;
- Ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўзгариши ва фарқи сабабларини тўлиқ аниқлаш;
- Иқтисодий самарадорликка эришиш мақсадида кўрсаткичларни бир бирига боғлиқ ҳолда ўрганиш ва хоказолар.

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, таҳлил методининг муҳим хусусияти ўрганиладиган иқтисодий кўрсаткични алоҳида, бошқа омиллардан ажратиб, алоҳида таҳлил қилмайди, балки уларнинг ўзаро боғлиқликдалиги эътиборда тутилади. Айрим ҳолларда ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўзгариш

сабабалари таъсир этиши бир хил ўзгармас шарт-шароитда айнан ўхшаш бўлишлиги иқтисодий таҳлилда қўлланилади, айрим омиллар таъсири бир хил шароитда ўзгармас деб қаралади.

2. Таҳлил методлари ва услубларини гуруҳларга ажратиш

Иқтисодий таҳлил қилишда, маълумотларни қайта ишлашда турли-туман услублар қўлланилади. Бу услубларни қўллаш жараёнида таҳлил методининг асосий хусусиятларини комплекс ва системалашганлиги яққол кўринади. Хўжалик жараёнларининг умумий бирлиги, кетма-кетлиги ва айрим элементлардан иборатлилиги таҳлил қилишда асосий эътиборда туради.

Таҳлил услубларини қўллаш ўрганилаётган жараёнларни бир-бирига боғлиқлиги, ўзгариш сабаби, таъсир кўрсатган омиллар ва қўшимча сабабларни аниқлашга ёрдам беради.

Иқтисодий таҳлилнинг услубларини шартли равишда одатдаги ва математик гуруҳларга ажратиш мумкин. Одатдаги услублар иқтисодий таҳлил пайдо бўлгандан буён қўлланилиб, анъанага айланиб, амалий тажрибада кенг қўлланилиб келинаётган таққослаш, гуруҳларга ажратиш, абсолют ва нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш баланс ва занжирли боғланиш ва ҳоказолардир.

Математик услублар эса иқтисодий ахборотларни электрон ҳисоблаш машиналарида ҳисоблаш ва қайта ишлаш, бу маълумотларни тез муддатда бошқарув ходимларига узатиш ишлари бошланганда қўлланилади.

3. Таққослаш услуби ва уни қўллашда амал қилинадиган шартлар

Иқтисодий таҳлилнинг одатдаги услубларидан энг кўп ва аввалдан қўлланилиб келинаётгани таққослашдир. Ҳар қандай иқтисодий ҳодиса, жараёнини ўрганиш, таққослаш, маълум кўрсаткичлар билан нисбат, солиштириш йўли билан ўрганилади. Бундай ўрганишда ҳодиса ва жараёнларни ўзгартиришининг асосий ва қўшимча сабаблари аниқланади, тараққиёт даражасига баҳо берилади. Шунинг учун ҳам, одатда таҳлил таққослаш билан бошланади дейилади. Таққослашнинг бир неча турлари мавжуд:

1. Бизнес режа маълумотлари билан;
2. Ўтган йилларда эришилган кўрсаткичлар;
3. Энг илғор ва юқори натижалар;
4. Ўртача эришилган натижалар билан;

1. Ҳақиқатда эришилган маълумотларни бизнес режада кўзда тутилган кўрсаткичлар билан таққослашда аниқланган катта фарқлар, айрим ҳолларда баҳо ўзгаришлари ёки паст режалаштирилиши, имкониятларни тўла ҳисобга олинмаганлиги сабабли юзага келиши мумкин.

2. Иқтисодий таҳлилнинг таққослаш услуби жорий давр маълумотлари билан ўтган йиллар кўрсаткичларини ўзаро боғлаб ўрганишда ҳам кенг қўлланилади. Айниқса кунлик, ўн кунлик, ойлик кварталлик ва йиллик фаолиятини ўтган йиллардаги айнан шу даврларда эришилган натижаларга таққослаш зарур, фақат аниқ натижаларни билиш учун таққосланиш шарт ва талабларга амал қилинса бас. Маҳсулотлар таннарни, харажат турлари ва элементларини ўрганишда бундай қайта ҳисоблашлар, бир хил баҳо ўлчамида ўрганилиши талаб этилади.

3. Энг илғор, юқори ва яхши маълумотлар билан таққослаб, ўрганиш ва хулоса келтириш иқтисодий таҳлилда муҳим роль ўйнайди. Фан ва техника ютуқларидан илғор ғоя ва технологиядан корхона (фирма) қандай имкониятда фойдаланганлигини ҳам шу таққослаш усули кўрсатади. Корхона (фирма) ичидаги цех, звено, бригада бўлим кўрсаткичларни бир-бири билан таққослаш ички натижаларни билдирса, бир хил ихтисосли қўшни мулк эгаси маълумотлари билан таққосланиш эса илғор, самарали фаолият кўрсатишга ёрдам беради.

4. Таққослаш усули корхоналар фаолиятини таҳлилда қўшни хўжаликлар, ўртача туман, вилоят ва республика маълумотлари солиштиришда ҳам ишлатилади. Буларнинг барчаси хўжалик фаолиятини тўла ва чуқур ўрганишга, кўрсаткичларни ўсиши ёки камайишини аниқ билишга имкон яратади.

Иқтисодий таҳлил фанида кўрсаткичларни таққослаб ўрганишда қуйидаги талабларга риоя қилинади:

1. Таққослаб ўрганиш лозим бўлган кўрсаткичларнинг аниқланиш усули айнан бир хил булиши керак.

2. Бир хил баҳода ҳисобланган кўрсаткичларгина таққосланиши лозим. Таҳлил қилишда ўрганиладиган кўрсаткичларни турли йиллар баҳосида ҳисоблаб ўрганиб бўлмайди. Чунки баҳо ўзгариши қиймат шаклидаги маҳсулотларни ҳисобланишига катта таъсир этади.

3. Режа топшириқларининг бажарилишининг оғирлиги мос келиши лозим. Режа топшириқларини бажарилиши оғирлигини ҳисоблаш бўйича методик қўлланмада коэффицентлардан фойдаланиш лозимлиги кўрсатилган.

4. Ўрганиладиган даврлар бир хил бўлиши лозим.

Масалан: ой, квартал, декада ва йил охирларида корхоналарда иш қизғин ва тезлашиб кетиши мумкин. Шунинг учун бу даврдаги маълумотларни ўрганишда буларни эътиборга олиш лозим.

5. Корхонанинг жойланиши ва иқлим шароити тенг даражада ҳисобга олиниши лозим. Турли хил иқлим шароитида жойлашган корхоналарнинг кўрсаткичлари хато хулосаларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу табиат омилларини таъсири иқтисодий таҳлилда эътиборга олиниши лозим.

6. Ўрганиладиган объектлар сони мос бўлишлик шарт. Бунда таққосланувчи кўрсаткич фақат айрим цех ёки бригади бўйича олинган бўлса,

қолган талаб қилинган маълумотлар ҳам фақат шу объектларга тегишли бўлиши лозим.

7. Техник хавфсизлик ва экологик мувозанатни сақлаш бўйича тадбирлар билан боғланган кўрсаткичларни солиштириш.

Техник хавфсизликни ва атроф муҳитнинг софлигини таъминлаганлик учун қилинган харажатлар қолган корхонадаги маҳсулот хажмини кўпайтиришга таъсир этмасада, балким меҳнат унумдорлигини ўстиришга, таннархни пасайтиришга сабаб бўлиши мумкин.

8. Таққослаш усулини қўллашда муҳим талаблардан яна бири ижтимоий ишлаб чиқариш хусусийми, коллектив ёки давлат корхонаси тисарруфидами албатта ҳисобга олиниши лозим. Бу эса кўрсаткичларни иқтисодий мазмунини билиш ва уларни таққослаш талабларига мослаштиришга ёрдам беради.

Бундай таққослаш натижасида жамоа ҳўжалигининг янги маҳсулот ишлаб чиқариши тўғрисидаги кўрсаткичларининг ўтган даврларга нисбатан ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.

4. Гуруҳлаштириш услуги

Ҳар бир иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар энг аввало бошланғич ҳужжатларда акс эттирилади. Бу бошланғич ҳужжатлардаги маълумотларни таҳлил қилиш учун, улар маълум тартибга солиниши «аналитик группалаштириш» зарур. Аналитик группалаштириш — бу йиғма-умумий маълумотлардан алоҳида муҳим белгилари ва хусусиятлари бўйича гуруҳларга ажратишдир.

Аналитик группалар ўзининг бажарадиган вазифаси, мақсади ва мазмунига қараб: а) типологики, б) таркибли ва в) омили группаларга ажратиш тушунилади. Бундай группалар тузишга саноат корхоналарида барча ходимларни категорияларга ажратилиши мисол бўлиши мумкин.

а) Саноат ишлаб чиқариш ходимларининг категорияларига қараб асосий ва ёрдамчи ишларга, инженер-техник ходимлар ва ишчилар ўртасидаги нисбатларни қай даражадалигини ўрганилади. Шу билан бирга, кейинчалик ҳар бир тур категориядаги ходимлар ўз ичида яна майда группалар тузиши мумкин. Масалан: ишчилар категориясини ҳисоб коди бўйича яна бўлақларга бўлиш мумкин.

б) Тартибий гуруҳлаштириш умумий йирик белгилар бўйича тузилган группалар ичидан айрим қонуниятлар ва белгиларни ўрганишга мўлжалланади. Масалан: умумий ишчилар сони малакаси, маълумоти, иш тажрибаси, ёши, жинси ва бошқа белгилари бўйича ўрганиш.

в) Омили группалаштириш — ўрганиладиган ҳодиса ва қонуниятларнинг ўзгариш сабаб-оқибатларига таъсир қилувчи омиллар бўйича группаларга ажратишга мўлжалланади. Бундай группаларга ходимларнинг ойлик маошини ўзгариши ва уларнинг ўзгариши иш стажига боғлиқлигига қараб группалар тузишни мисол келтириш мумкин.

Юқорида келтирилган группалаштиришнинг барча турлари хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда қўлланилади. Ҳозирги тузилаётган ҳисобот формаларида келтирилган маълумотлар ҳам маълум белгилари ва хусусиятларига қараб группаларга ажратилган ҳолда келтирилмоқда, меҳнат кўрсаткичларини ходимлар категориялари бўйича келтирилиши, уларга сарфланган меҳнат ҳақи (5-форма), сарфланган харажат турлари бўйича (22-форма) маълумотлар ҳам маълум тарзда группалаштирилиб келтирилганлиги иқтисодий таҳлилни бажаришни осонлаштиради.

Бошқарув ишларини қуйи звенодан юқорига қараб катталашуви билан группалаштириш усулининг аҳамияти ва мазмуни ўса боради. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда группалаштириш қўлланилганда маълум талаб ва қонуниятларга амал қилинади. Масалан: типологик гуруҳлар тузганда иқтисодий асосланган, таҳлилда аниқ қонуниятлар кўринадиган группа тизимига интилиш лозим.

Таркибли ва омилли группалаштиришда эса группалар оралиғидаги фарқлар, масофалар бир-бирига мосланиши лозим. Корхонада 12 пахтачилик бригадаси бўлиб, улардаги ҳосилдорлик кўрсаткичлари ўрганилиши лозим бўлса, қуйидагича группалаштирилиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

1-жадвал

Бригадаларда ҳар гектар пахта экилган майдондан олинган ҳосил: ц/га

Бригада	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Пахта ҳосилдорлиги ц/га	22	24	21	28	26	20	26	23	28	29	22	20

Юқоридаги маълумотлар асосида қуйидаги группалар тузиш мумкин.

1-ҳосилдорлик 22ц/га	3 бригада (3, 6, 12)
2-ҳосилдорлиги 22,0 дан-24,0 гача	3 бригада (1, 8, 11)
3-ҳосилдорлиги 24,0-26ц/га	3 бригада (2, 5, 7)
4- ҳосилдорлиги 26ц/га дан юқори	3 бригада (4, 9, 10)
Жами корхона бўйича ҳосилдорлик 24,5	12

Юқорида тузилган 4 группа бўйича таҳлил қилиниши лозим бўлган иқтисодий масалалар ўрганилиши мумкин, яъни бригададаги меҳнат унумдорлиги, агротехника қоидаларига риоя қилинганлик, пахта таннархи, ўртача бир ишчига сарфланган меҳнат ҳақи ва бошқалар.

Группалаштириш усулини қўллашда ҳам айрим талаб ва қонуниятларга амал қилиниши лозим, жумладан:

1) Таҳлил натижаларининг аниқлигини таъминлаш мақсадида тузилган группалар ўртасидаги интерваллар оралиғини яқинроқ олиш лозим.

2) Дастлабки ва охирги (гр. оралик) группа очик қолган оралик группалар ёпиқ бўлиши, яъни бошланғич ва охирги группа чегаралари аниқ бўлиши керак.

3) Группалар тузиш кичик сондан, юқорига бориш тартибига амал қилган ҳолда тузилиши.

4) Барча ўрганиладиган объектлар сони тузилган группаларга баравар тақсимланганлигига риоя қилиниши.

Юқорида кўрсатилган талабларга амал қилишлик иқтисодий таҳлил натижаларини тўғри ва аниқ бўлишига, ўрганиладиган кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқ ҳисоблаш имкониятларини янада кенгайтиради.

5. Балансли боғланиш услуби

Иқтисодий таҳлил қилишда кўпгина кўрсаткичлар бир-бири билан функционал боғлиқликда ўрганилади. Бир ўрганиладиган маълумотларни ўзгариши иккинчи кўрсаткич билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Масалан: товар маҳсулотининг йил охирига қолдиғини таҳлил қилишда унинг йил бошидаги омборда бўлган қиймати, йилда давомида ишлаб чиқарилган ва сотилган товар маҳсулотлар ҳажмини ўрганмасдан ҳисоб-китоб қилиш аниқ натижа келтирмайди. Бу боғлиқликни қуйидаги формулада (товар маҳсулоти баланси) кўрсатиш мумкин.

$$TK_{\text{йил бошига}} + MT_{\text{СТ}} + TK_{\text{йил охирига}}$$

Бунда:

TK-товарлар қолдиғи йил боши ва йил охирига

MT-товар маҳсулот кирими (ишлаб чиқарилган маҳсулот)

СТ-жами сотилган ва жўнатилган товарлар

Демак, корхонада товар маҳсулоти сотиш ҳажми:

$(СТ - TK)_{\text{йил бош.}} + MT - TK_{\text{йил охирига}}$ тенг бўлади.

Иқтисодий таҳлилда, айниқса, меҳнат ресурслари, ер фонди, даромад ва харажатларни, молиявий ҳолат каби мавзуларни ўрганишда балансли боғланиш усули қўлланилади. Меҳнат ресурсларини баланс услуби билан ўрганишда корхонада мавжуд бўлган меҳнатга қобилиятли кишиларни тармоқлар бўйича, яъни деҳқончилик, чорвачилик, ёрдамчи ва саноат ишлаб чиқаришларига тақсимланиш балансини тузиш мумкин.

Ер фонди бўйича ҳам корхоналардаги жами қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни экин турларига тақсимланганлиги баланси тузулиб таҳлил қилинади. Корхоналарнинг молиявий ҳисоботини 1-шакли «Бухгалтерия баланси» ҳам ушбу услубга асосланиб тузилган. Баланс маълумотларига асосланиб корхоналарнинг молиявий ҳолати, тўлов қобилиятига эғалиги таҳлил этилади.

2-жадвал

Корхона тўлов қобилиятини балансли боғланиш усули билан ўрганиш (минг сўм)

Тўлов маблағлари	Сумма	Тўлов мажбуриятлари	Сумма
1. Пул маблағлари	2000	1. Мол етказиб берувчиларга қарз	1200
2. Тайёрлов ташкилотларига жўнатиладиган товарлар	300	2. Давлат бюджетига қарз	600
3. Тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзлари	600	3. Меҳнат ҳақиға ажратма	100
4. Бошқа тушумлар	100	4. Социал суғурта бўлган қарз	50
		5. Тўлов муддати етмаган кредиторлик қарзи	150
		6. Бошқа чиқимлар	100
Жами	2500	Жами	220
Тўлов мажбуриятларининг кўплиги	-	Тўлов маблағларининг ортиқчаси	30
Баланс	2500	Баланс	2500

Демак, балансли боғланиш усулини қўллаб корхоналарнинг пул даромадларини тўлов мажбуриятларига етиш етмаслигини таҳлил қилиш мумкин экан. Баланс усулини иқтисодий таҳлилда қўллаш ўрганиладиган кўрсаткичларнинг бир-бири билан функционал боғлиқлиги яқин бўлгандагина ижобий ва тўғри натижалар келтиради.

6. Абсолют ва нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш услуби

Абсолют ва нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш усули кўпроқ статистика фанида кенг қўлланилиб, таҳлилда кўпгина ўрганиладиган кўрсаткичларни ўсиш ва ўзгаришини ҳисоблашда ишлатилади. Абсолют ўзгариш таҳлилда ҳар бир ўрганиладиган маълумотларни аввалги даврларга нисбатан фарқларини кўрсатса, нисбий кўрсаткичлар эса фоиз, коэффициент, индексда ҳисобланади. Бу кўрсаткичларни ҳисоблаш ва ўрганиш ва тартиблари статистика фанида ёритилади. Иқтисодий таҳлилда абсолют ва нисбий кўрсаткичларини қўлланилиши меҳнат ҳақи фондини сарфланишини ўрганишда айниқса кўпроқ ишлатилади.

3-
жадвал

Меҳнат ҳақи фондининг абсолют ва нисбий фарқларини ҳисоблаш

	Жорий йил режаси	Маҳсулот ишлаб чиқариш хажмининг бажарилишига қараб ҳисобланган	Ҳақиқатда	Фарқи	
				Абсолют	Нисбий

1	2	3	4	5 (4 - 2)	6 (4 - 2)
Меҳнат ҳақи минг сўм	2000	$\frac{2000 \times 105}{100} = 21000$	2060	-60	-40

Корхонада меҳнат ҳақи фондининг абсолют фарқи —60,0 минг сўмни, нисбийси эса-40,0 минг сўмни ташкил қилади. Демак, хўжалик меҳнат ҳақи сарфини режада белгиланган нормага нисбатан 40,0 минг сўм иқтисод қилган. Бундан кўринадики, нисбий кўрсаткичлар таҳлилда янада кўпроқ аниқлиқни ифодалар экан.

7. Занжирли боғланиш услуби

Занжирли боғланиш услуби умумий кўрсаткичларга ҳар бир алоҳида олинган кичик омилни таъсирини ҳисоблашда фойдаланилади. Бунда ҳар бир кичик омилни таъсирини ҳисоблашда икки омил кўпайтмасидан иборат қаторлар тузилади. Бу жараёнда турли вариантлар бўйича ўрни алмаштирилган ҳисоблаш ишлари бажарилади, натижада маълум шартли кўрсаткичлар топилади. Бу топилган шартли кўрсаткичга таъсир этувчиларнинг ҳолислантирилгани, яъни танлаб алоҳида олинган бир омилнинг ўзгариш ҳисобига содир бўлган фарқи топилади. Занжирли боғланиш услубининг моҳиятини аниқ амалий мисолда янади яққалроқ кўриш мумкин.

Масалан: деҳқончилик маҳсулотларининг таннархи ҳосилдорлик ва бир гектар ерга сарфлар нормасини ўзгариши билан боғлиқдир ёки сарфланган материаллар қиймати сарф нормаси ва бир бирликни баҳосининг ўзгариш сабаблари билан боғлиқдир.

4-жадвал

Занжирли боғлиниш услубининг материал сарф харажати ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлашда қўлланилиши

	Бизнес режа	Ҳақиқатда	Фарқи (+, -)
1. Материал миқдори ц	30	32	+2
2. 1 ц. қиймати, сўм	92	90	-2
3. Жами материал харажат, сўм	2760	2880	+120

Жами материал харажатлари суммасининг ўзгариши — 120 сўм, бунга таъсир кўрсатган омилларни ҳисоблаш учун, қўшимча шартли кўрсаткич (режа баҳо ва ҳақиқий нормани) аниқлаймиз.

92x32x2944 сўм

материаллар харажатларининг бизнес-режадан ортиқ сарфланишига:

а) норманинг ўзгаришини таъсири 2944-2760 қ184 сўм

б) баҳо ўзгариши 2880-2944 қ -64 сўм

Иккала омиолнинг таъсири 184-64қ120 сўм бўлгани сабаб бўлган.

Таянч иборалар

- фан методининг тушунчаси;
- методининг муҳим хусусиятлари;
- иқтисодий таҳлилининг анъанавий услублари;
- такқослаш услуби;
- гуруҳлаштириш услуби;
- абсолют ва нисбий кўрсаткичларни аниқлаш услуби;
- занжирли бо/ланиш услуби.

Назорат своллари

- 1.Метод сўзи қандай маънони англатади?
2. Иқтисодий таҳлил методи деганда нимани тушунасиз?
- 3.Иқтисодий жараёнларни диалектик материалистик ўрганишда қандай хусусиятлар эътиборга олинади?
- 4.Иқтисодий таҳлилнинг қандай услубларини таркиблаш мумкин?
5. Иқтисодий математик усулларга қандай усуллар киритилади ва уларни қўллаш шартлари?
- 6.Иқтисодий таҳлилнинг оддий-анъанавий усуллари деганда қайси усулларни таркиблаш мумкин?
- 7.Иқтисодий таҳлил объектини ўрганиш юзасидан ўзининг мустақил усулларига эгами?
- 8.Иқтисодий таҳлил фанининг услубий бойишида иқтисод ва бошқа фанларнинг ривожига қандай роль тутади?

Асосий адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент «Ўзбекистон» - 1996 йил
2. И.А. Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент. «Ўзбекистон» 1996 йил.
3. И.А. Каримов. «Буюк келажак сари». Тошкент. «Ўзбекистон» 1998 йил.
4. И.А. Каримов. «Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз». Тошкент «Ўзбекистон» 1999 йил.

Қўшимча адабиётлар

5. М.И. Баканов, А.Д.Шеремет. «Теория экономического анализа». М. «Финансў и статистика» 1996 г.
6. А.Т. Иброҳимов «Молиявий таҳлил». Тошкент. «Мехнат». 1996 йил.

7. А.Х. Шоалимов. «Саноат корхоналари фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш». Тошкент. «Меҳнат». 1992 йил.
8. К.Р. Раҳмонов. «қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини иқтисодий таҳлили». Тошкент. «Фан». 1996 йил.
9. М.Тўлаходжаева «Молиявий ҳисоботни ва молиявий коэффициентларни таҳлил қилиш». Тошкент. 1996 йил.
10. О.В.Ефимова. «Финансовый анализ». Москва. «Финансы и статистика».1996 г.
11. А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфулин. «Методика финансового анализа». М: ИНФРАМ,1996 г.
12. Бернстаин А.А. Анализ финансовой отчетности. М: «Финансы и статистика». 1996 г.
13. Ковалёв В.В. Финансовый анализ. Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчётности. М: Финансы и статистика. 1995 г.
14. Астахов В.П. Анализ Финансовой устойчивости фирмы процедуры связанные с банкротством. М. 1996

Маъруза №4. Иқтисодий-таҳлилнинг иқтисодий-математик усуллари

Режа

1. Иқтисодий математик усулларнинг турлари
2. Иқтисодий таҳлилнинг омиллар системаси ва детерминлашган моделлар
3. Статистик моделлар ва иқтисодий омиллар системасининг таҳлили
4. Кореляцион ва регрессион таҳлил
5. Чизиқли программалаштириш ва унинг таҳлилда қўлланилиши
6. Интеграл усулининг таҳлили
7. Назарий ўйин усулларида таҳлилда фойдаланишнинг ўзига ҳос томонлари.

1.Иқтисодий математик усулларнинг турлари

Ҳар бир фан борки, у ҳаётга кириб келиш давомида ўз предмети ва методига эга бўлиши керак. Шундай экан, «Иқтисодий таҳлил» ҳам ўз предметиға эга бўлиб қуйидагича таъриф берилган:

«Иқтисодий таҳлил» фанининг предмети деганда, хўжаликлар корхоналар ва ҳокозоларни фаолият жараёнлари, уларни ижтимоий-иқтисодий жараёнларининг самарадорлиги ва уларнинг якуний молиявий натижаларини ўрганиш тушунилади. Бошқача айтганда, объектив ва субъектив қонуниятлар асосида, кўпгина иқтисодий маълумотлардан фойдаланиб хўжаликларни «молиявий таҳлил» қилиш тушунилади.

Предметнинг келиб чиқиши эса ўз-ўзидан фаннинг методини аниқлашни тақозо этади. Бизнинг фанимиз ўз фаолиятини юритишда иккита катта методга таянади.

- Анъанавий (оддий) услублар;
- Иқтисодий-математик услублар.

Анъанавий усулга: занжирли боғланиш, гуруҳлаш, абсолют ва нисбий фарқларни ҳисоблаш ва бошқалар кириб, бу усул олдинги мавзуларда кенгрок баён этилган.

Ҳозир бизнинг асосий вазифамиз иқтисодий математик усулни кенгрок мисолларда кўриб чиқишдир. Унга кўра, иқтисодий математик усулларга эвристик усул, кореляцион ва регрессной усул, назарий ўйин усули ва шу каби бошқа усуллар киради.

2. Иқтисодий таҳлилнинг омиллар системаси ва детерминлашган моделлари

Кўп жиҳатдан иқтисодий таҳлилнинг турларини ривожланган мамлакатларда шартли равишда икки гуруҳга бўлади:

- балансли, яъни оддий;
- омилли, яъни иқтисодий-математик.

Уларнинг фикрларига кўра, иқтисодий таҳлил-бу, аввалам бор, омилли таҳлилдир деб тушунадилар. Омилли таҳлил деганда, таҳлил жараёнидаги кўрсаткичларга таъсир этувчи омиллар тизимини эътиборга олиб ўрганиш тушунилади.

Иқтисодий математик усулни қўллаш, таҳлил қилинаётган жараёнларнинг мураккаблигига, ҳажмига ва ўрганиш лозим бўлган вазифаларига боғлиқдир.

Мазкур жараёнлардан келиб чиқиб, бу усул таркибидаги ҳоҳлаган усулчамизни (интеграл, регрессив ва корреляцион эвристик ва ҳ.к.) танлаб олишимиз мумкин.

Иқтисодий математик усулларни қўллаш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Масала шартини белгилаш;
2. Ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи шароитларни, омилларни аниқлаш;
3. Математик ҳисоблаш методикасини белгилаш;
4. Иксперилинт моделини белгилаш;
5. Ҳисобланган кўрсаткичлар ва натижаларни таҳлил қилиш;
6. Ўрганилаётган иқтисодий ҳодисаларни кўпгина ечимларини топиш.

Ҳар бир ҳисоб китоб иши борки, у аввалам бор ўз шартини белгилаш билан бошланади. Аниқланаётган объектни шартини белгилаш бизнинг олдимиздаги асосий вазифани белгилаб беради ва шунинг учун ҳам ишимизни масала шартини белгилаш билан бошлаймиз. Шундай экан, шартни

белгилашдан кейин, бу жараёнга таъсир этувчи омилларни кетма-кетликда аниқлашимиз зарур. Чунки ҳар бир жараённинг содир бўлишига турли хил омиллар таъсир этади ва биз керакли омилларни аниқлашимиз зарур.

Бу икки назарий босқич якунидан сўнг, биз амалий босқични бошлаймиз, яъни иқтисодий математик ҳисоблаш методикасини белгилаб олишимиз бу босқичга қадам ташлаганлигимиздан далолат беради. Унда ҳисоб-китоб ишлари бажарилиб, ҳисобланган кўрсаткичлар ва натижалар молиявий таҳлил қилинади.

3. Статистик моделлар ва иқтисодий омиллар системасининг таҳлили

Омиллар тизимини моделлаштиришда иложи борица ҳисобланиб ўрганиладиган барча омиллар бир-бири билан боғлиқ, ҳамда умумий натижага таъсир этишини аниқ ҳисоблаш имконияти бор деб, белгилаш талаб этилади. Бу тушунчани аниқ мисолда ўрганиш учун рентабеллик коэффицентини ҳисоблашдан фойдаланишимиз мумкин. Рентабеллик коэффиценти соф фойдани асосий ишлаб чиқариш фондининг йиллик ўртача қийматига бўлиб топилади ёки уни математик моделлаштирсак,

$$R = \frac{Fb}{(Q + W)} \quad \text{ёки} \quad \frac{X1}{X2 + X3}$$

Fb , $X1$ -ҳисобот йили соф фойда,

Ҳисобот йилга соф фойдани топиш учун, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот формасидан фойдаланамиз. 2-ҳисобот формасининг 200-сатрида биз учун керакли кўрсаткич ўтган ва ҳисобот йилларга микдорий жиҳатдан берилган бўлади.

Q , $X2$ - Асосий ишлаб чиқариш фондаларининг ўртача йиллик қиймати. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қийматини топиш учун биз баланс ёки асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот формасига мурожаат қиламиз. Мазкур 1 ва 2 — ҳисобот формаларининг ҳоҳлаган биридан фойдаланиб асосий воситаларнинг йил бошига ва йил охирига бўлган дастлабки ёки қолдиқ, қийматини аниқлаб оламиз. Масалан биз 1-ҳисобот форма «Баланс» дан фойдаланиб асосий воситаларнинг йил бошига ва йил охирига бўлган бошланғич қийматини (010-сатр) оламиз. Бунга кўра, $X1$ йил бошига бошланғич қиймат; $X2$ -йил бошланғич қиймат бўлсин. У ҳолда уларнинг X -ўртача қуйидагича аниқланади:

$$X = \frac{(X1 + X2)}{2}$$

Келиб чиққан натижа асосий воситаларнинг ҳисобот йилига ўртача қийматини беради.

W, X3- меъёрлаштирилган айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати. Меъёрлашган айланма маблағларни ўртача қийматини 10-журнал ордеридан фойдаланиб ёки баланснинг 120 сатридан йил бошига ва йил охирига бўлган қийматларини топиб оламиз. Аниқланган миқдорлар худди асосий воситалар учун топилган ўртача сингари, айланма маблағлар ўртачасини топишда ҳам фойдаланилади.

Омилларни ўрганишда эвристик усулини қўллашнинг моҳияти рентабеллик коэффицентининг ўзгаришига таъсир этган сабабларни ўрганишда намоён бўлади.

5-жадвал

Рентабеллик коэффицентини ўзгариш сабабларини аниқлаш

Кўрсаткичлар	Шартли белги	Режа	Ҳақиқатда	Фарқи (+;-)
А	1	2	3	4
Абсолют кўрсаткич				
1. Соф фойда, минг сўм	X ₁	714	9022	+188.2
2. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик ўртача қиймати, минг сўм	X ₂	4430	5844	+1414
3. Меъёрлаштирилган айланма маблағларнинг йиллик ўртача қиймати, минг сўм	X ₃	2120	2396	+276
4. Реализация қилинган маҳсулот, минг сўм	N ₄	6432	7340	+908
Нисбий кўрсаткич				
5. Бир сўмлик реализация қилинган маҳсулотга тўғри келадиган соф фойда	X ₁ /N ₃ (X ₄) X ₂ /N ₄ (X ₅)	0.111	0.122	+0.011
6. Асосий фондлар сифими	X ₃ /N ₃	0.688	0.796	+0.108
7. Меъёрлаштирилган айланма маблағлар сифими	(X ₆)	0.329	0.326	-0.003
8. Меъёрлаштирилган айланма маблағларнинг айланиш коэффиценти	X ₁ /N ₃	3.034	3.063	+0.029
9. Жами фондлар таркибидаги меъёрлаштирилган айланма маблағлар улуши	X ₃ /(X ₂ +X ₃)	0.323	0.290	-0.032
10. Рентабеллик коэффиценти	X ₁ /(X ₂ +X ₃)	0.109	0.1095	+0.005

$$1. \Delta R(X_4) = \frac{\Delta X_4}{X_5 + X_6} = \frac{0.011}{0.108 - 0.03} = 0.105$$

$$2. \Delta R(X_5) = \frac{\Delta R + \Delta R(X_4)}{\Delta X_5 + \Delta X_6} = \frac{0.0005 + 0.105}{0.105} = +0.005$$

$$3. \Delta R(X_6) = \frac{\Delta R - \Delta R(X_4)}{(\Delta X_5 + \Delta X_6) * \Delta X_6} = 0.003$$

Юқоридаги ҳисоб китоблардан кўриниб турибдики

1. Бир сўмлик реализация қилинган маҳсулотга тўғри келадиган фойданинг нисбий томонга ўзгариши 0,105 коэффицентга рентабелликни

оширган;

2. Асосий фондларнинг сифimini ўзгариши эса умумий рентабелликка 1,005 коэффициентга ижобий таъсир этган;

3. Айланма маблағларнинг ўзгариши эса -0,003 коэффициентга салбий таъсир этган ва натижада умумий рентабеллик қуйидагича бўлган;

$$\Delta R = \Delta R(X_4) + \Delta R(X_5) + \Delta R(X_6) = 0.105 - 1.005 - 0.003 = -1.107$$

натижада умумий рентабеллик режага нисбатан ҳақиқатда 1,107 коэффициентга ошган. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун биз рентабелликни ошуви коэффициентини аниқлашимиз мумкин, яъни 0,1095:0,1090к1,005 айрим ҳисоб китобларнинг яхлитланиши ҳисобига 0,002 коэффициентга фарқ берган:
1,107-1,105к0,002

4. Корреляцион ва регрессион таҳлил

Корреляцияцион ва регрессион усул кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик доирасини аниқлашда кенг қўлланилади. Корхонадаги ҳодисалар ўртасидаги эҳтимоллик, боғлиқликни ифодалайди. Бу икки ёки кўп кўрсаткичлар ўртасида бўлиши мумкин.

Корреляцияли ва регрессияли усулдан фойдаланиб қуйидаги маълумотлар асосида маҳсулот таннархи билан меҳнат сарфи ўртасидаги борлиқликни аниқлаймиз.

6-жадвал

Акционерлик жамияти бўйича қуйидаги маълумотлар берилган

Цехлар	Махс. бир бирлик т/н	Махс. Бир бирлигига сарфланган меҳнат хақи	X_1^2	X_2^2	$X_1 * X_2$
1	2(X_1)	3(X_2)	4	5	6
1	240	40	57600	1600	9600
2	220	40	48400	1600	8800
3	231	41	53361	1681	9471
4	239	40	57121	1600	9560
5	255	57	65025	3249	14535
6	260	53	67600	2809	13780
7	280	64	78400	4096	17920
Жами:	1445	271	427507	16635	83666

Маҳсулот бирлиги таннархи ва маҳсулот бирлигига меҳнат сарфи ўртасидаги боғлиқлик доираси қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$R = \frac{X_1 X_2 - \overline{X_1} * \overline{X_2}}{AX_1 * AX_2}$$

Бу ерда:

1) $\overline{X_1 X_2}$ к $(\sum (X_i * X_2))/n$, формуласига кўра, $\overline{X_1 X_2}$ к83666/7к11952;

- 2) $\bar{X}_1$ к $(\sum (X_1))/n$, формуласига кўра, $\bar{X}_1$ к1445/7к206,4;
- 3) $\bar{X}_2$ к $(\sum (X_2))/n$, формуласига асосан, $\bar{X}_2$ к271/7к38,7;
- 4) $\bar{X}_1 \times \bar{X}_2$ к206,4*38,7к7987,68;
- 5) AX_1 к $(\sum (X_1^2)/n) - (\bar{X}_1)^2$, бунга кўра AX_1 к135,9
- 6) AX_2 к $(\sum (X_2^2)/n) - (\bar{X}_2)^2$, бунга кўра AX_2 к26,9

Ҳисоблаш натижаларидан келиб чиқиб, боғлиқлик доирасини аниқлаймиз R к0.98. Демак, маҳсулот таннархи билан меҳнат сарфи ўртасидаги боғлиқлик 0.98га тенг экан. Албатта, бу омилнинг боғлиқлик доираси катта коэффициентни ташкил этади. Чунки, бу омил ишлаб чиқариш бўлиш учун энг катта омиллардан бири ҳисобланади.

5. Чизикли программалаштириш ва унинг таҳлилда қўлланилиши

Статистик боғланиш деб, шундай боғланишга айтиладики, унда миқдорлардан бирининг ўзгариши иккинчисининг тақсимот ўзгаришига олиб келади. Хусусан, статистик борлиқлик миқдорларидан бирининг ўзгариши иккинчисининг ўртача қийматини ўзгаришида кўринади. Бу ҳолдаги статистик боғланиш корреляцион боғланиш деб аталади.

Шартли ўртача қиймат у.х. деб Y нинг X қийматига мос қийматларнинг арифметик ўртача қийматига айтилади. Натижада:


$$y.x.k/(x)$$

тенглама ҳосил бўлиб, бу Y нинг X га регрессия тенгламаси дейилади ва мана шу математик жумлалардан фойдаланган ҳолда иқтисодий таҳлилни корреляцион ва регрессия усулини келтириб чиқарамиз. Бу усул чизикли программалаштиришнинг давоми сифатида келади.

Лекин, биз аввало чизикли программалаштириш формуласини келтириб чиқаришимиз лозим. У ҳолда,

$$Y = ka + bx$$

Кўринишида бўлиб қуйидагича графикни ҳосил илади (расм1).



Бу кўриниш иккита бир-бирига боғлиқ омилларнинг таҳлилин олиб боришда қўл келади. Фараз қилайлик, маҳсулот ҳажмининг ошиши харажатларнинг ошишини ҳам таъминлайди.

6. Интеграл усулининг таҳлили

Эҳтимоллар назариясидан бизга маълумки, ҳар бир синашда A ҳодисанинг рўй бериш эҳтимоли p ўзгармас бўлиб, ноль ва бирдан фарқли бўлса, у ҳолда n та синашда A ҳодисанинг k_1 дан k_2 мартагача рўй бериш эҳтимоли $P.n. (k_1, k_2)$ таркибига эга бўлади. Мазкур жумладан келиб чиққан ҳолда биз иқтисодий таҳлил фанида ўрганиладиган интеграл усулини келтириб чиқарамиз.

Шундай экан, хўжалик фаолиятини ўрганишда барча омиллар ва таъсир этувчи сабаблар ўзгариб туради ва бир-бири билан боғлиқликда эканлиги эътиборга олиниши лозим. Иқтисодий ҳодисаларни хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда ўрганиш ва билиш учун айниқса битта кўрсаткичнинг ўзгаришига иккита ва ундан ортиқ омилларни таъсир этишини ҳисоблашда интеграл усули кўпроқ қўланилади.

7. Назарий ўйин усулининг таҳлилда фойдаланишнинг ўзига ҳос томонлари

Назарий ўйин усулининг моҳияти шундан иборатки, турли хил шарт-шароитларда корхона ёки фирма учун қандай йўл топиш ёки келгусидаги тактика ва стратегиясини белгилаш йўналишларини топиш учун қўлланилади. Корхона (фирма) турли хил усулларни қўллаб иш юритиши мумкин, лекин бу усул ёки вариантларнинг ичида энг қулай ва юқори манфаат келтирувчи ягона йўл ёки вариант бўлиши мумкин. Ушбу ягона аниқ йўлни билиш учун назарий ўйин услубини қўллаш мумкин.

Корхона (фирма) ишлаб чиқарган маҳсулотини қанчалиги ва истеъмолчилар сотиб олиши учун керакли меъёردаги миқдорини билиш қуйидаги омилларга боғлиқ:

- Бозордаги талаб;
- Бозордаги таклиф;
- Товарнинг бозордаги баҳоси;
- Аҳолининг ҳарид қобилияти;
- Мавсумийлик ва ҳоказо.

Маъруза №4. 1. Иқтисодий таҳлилни бозор иқтисодиёти шароитида тутган ўрни ва уни турларга ажратиш

Республикаимиз бозор иқтисодиётига ўтаётган бир шароитда, халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқариш фаолиятини тўғри

бошқариш муҳим аҳамият касб этади. Бозор шароитида республикамизни ижтимоий иқтисодий ривожланишини тезлаштириш илмий техникавий тараққиёт ва уни амалда зудлик билан қўллаш асосида бўлмоғи лозим. Бунинг натижасида корхоналарда меҳнат унумдорлигини кўтариш мавжуд бўлган моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида республикамизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришда бошқаришнинг ҳамма бўғинларида иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти катта. Иқтисодий таҳлил иқтисодий ахборот маълумотларини ўрганиб, қайта ишлаб жамият ишлаб чиқаришини тезкорлик билан йўлга солиб туради. Иқтисодий таҳлил моддий, меҳнат ва пул ресурсларини иқтисод қилиш, маҳсулот таннархини харажат моддалари бўйича таҳлил қилишни тақозо қилади. Фақат кундалик назорат қилиш ва тезкор таҳлил харажатларни белгиланган нормативдан фарқ қилишини аниқлаб беради.

Корхоналар фаолиятини бирмунча тўлиқ ва самарали таҳлил қилиш учун иқтисодий таҳлилнинг турларини яхши билишимиз, ҳамда уларнинг моҳиятини ва ўзига ҳос томонларини тўлиқ ўзлаштириб олган бўлишимиз лозим.

Иқтисодий таҳлил корхоналарни бошқаришнинг муҳим воситаси сифатида ташкил қилишнинг мақсади, вазифаси ва ўтказиш даврларига қараб маълум турларга ажратилади. Жумладан иқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган маълумотлар ва уларнинг манбаларига қараб:

- молиявий таҳлил;
- бошқарув таҳлили каби турларга ажратишимиз мумкин бўлади.

Иқтисодий таҳлилни таҳлил қилинадиган даврларига қараб:

- жорий таҳлил;
- оператив таҳлил;
- истикболли таҳлил каби турларга ажратилади.

Бундан ташқари, иқтисодий таҳлилни ўтказишда бошқариш объектларининг турлари ва мазмунига қараб:

- ички хўжалик;
- тармоқлараро таҳлил ;
- территориал таҳдил;
- ишлаб чиқариш босқичлари бўйича таҳлилга бўлинади.

Будан ташқарии хўжалик фаолиятининг таҳлили қуйидаги белгиларига қараб турларга ажратилади.

1. СУБЪЕКТ,

яъни таҳлилни ким томонидан бажарилишига қараб (турли иқтисодий органлар, суғурта ташкилотлар корхоналарнинг ўзи, солиқ органлари, банклар, мол етказиб берувчилар, касаба союз органлари ва бошқалар):

2. ДАВРИЙЛИК ВА МУНТАЗАМЛИК (бир неча йиллик, йиллик, чораклик, ойлик, кунлик, сменалик ва бошқалар):

3. ТАҲЛИЛДА ЎРГАНИЛАДИГАН САВОЛЛАРНИНГ ХАЖМИГА +АРАБ (корхоналарнинг барча фаолиятини комплекс ўрганиш, айрим тармоқ ва мавзуларни

4. КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШДА ТАҲЛИЛНИНГ ҚЎЛЛАЙДИГАН МЕТОДИГА +АРАБ (комплекс, системали, функционал қийматли, ёппасига танлаш, корреляцион ва бошқалар):

5. ТАҲЛИЛ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА +ЎЛЛАНИЛАДИГАН ВОСИТАЛАРИГА +АРАБ (ЭХМ, компьютер ва бошқалар):

6. ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАВЗУСИГА ҚАРАБ (техник-иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий, иқтисодий-ҳуқуқий, иқтисодий-экологик ва ҳоказозолар).

Иқтисодий таҳлилнинг юқорида келтирилган турларидан келиб чиқиб хўжалик фаолияти таҳлилининг корхона даражасидаги тизимини (структурасини) яратишимиз мумкин.

2. Молиявий (ташқи) ва бошқарув (ички) таҳлил

Корхоналарнинг фаолиятини ва унда юз бераётган иқтисодий жараёнларни бухгалтерия, статистик ва оператив ҳисобларда акс эттирилади. Бу маълумотлардан фойдаланиб хўжалик фаолиятини ўрганиш ҳамда таҳлилни ўтказишдан мўлжалланган мақсадларига қараб молиявий ва бошқарув учун таҳлил турларига ажратишимиз мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат, жамоа, қўшма, хиссдорлик, хусусий ва бошқа шаклдаги мулкка эга бўлган корхоналар молиявий аҳволини ўрганишнинг мазмуни шундан иборатки, бунда пул тушумларининг ўз вақтида келиши билан ҳисоблашиш интизомурига риоя қилиш, хусусий ва қарз маблағларининг турли нисбатда бўлишини таъминлаш, молиявий тартиб ва интизомга барча ишлаб чиқариш бўғинларида иқтисод ва тежамкорликка риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Корхоналарнинг молиявий ҳолати кўп жиҳатдан баҳо, кредит, фойда ва уни иқтисодий тақсимланиш механизмига боғлиқдир. Барқарорлик бўлган жойда барча хўжалик муомалалари ва ҳисоб китоблар ўз вақтида бажарилади. Шу боис бозор шароитида ҳар қандай корхонанинг молиявий аҳволини билиш ва ўрганишга эътибор кучаймоқда.

МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ корхона, фирма ва ташкилотларнинг юқори ташкилотларга тузиб топширадиган ҳисобот маълумотларига асосланиб ўтказиладиган таҳлилдир. Яъни барча учун эълон қилиниши мумкин бўлган корхоналар фаолиятини умумлашган натижаларини ўрганишга қаратилган таҳлил туридир.

Молиявий таҳлил фақат корхоналарнинг ўз манфаати учун мўлжалланиб ўтказиладиган таҳлил тури бўлиб қолмасдан, унинг бошқа қатор кенг талабгорлари ёки истеъмолчилари бордир. Молиявий таҳлил маълумотлари билан қизиқувчиларни бевосита ва билвосита талабгорларга бўлишимиз

мумкин:

- бевосита талабгорларга (мулк эгалари, банклар, солиқ органлари, суғурта ташкилотлари, барча қарз берувчилар, ҳиссдорлар, статистика бошқармалари ва ҳоказолар)

- билвосита талабгорлар ва қизиқувчиларга эса аудиторлик фирмалари, матбуот, телевидение, касаба уюшмаси, турли хил ижтимоий партиялар қабила қиради.

Улар қорхоналарни молиявий ҳисоботини ўрганишда биричи гуруҳ, яъни бевосита алоқадорларнинг манфаатини ҳамда истагини кўзлаб ўрганадилар. Молиявий таҳлилнинг бажарилиш тартиби кўпчилик қорхоналар учун умумий, яъни стандарт талабига мос тузилган молиявий ҳисобот маълумотларига (ҳамма қорхоналарнинг тузиб топширадиган ҳамда эълон қиладиган ҳисобот шакллари айнан бир хил) асосланади ўтказилганлигидадир.

Молиявий таҳлилнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- қорхонанинг молиявий аҳволини ҳар томонлама ўрганиб, унинг ҳолатига аниқ ва ҳолисона баҳо бериш:

- маблағ ва манбаларнинг жойланишини текшириш, уларнинг тўғри йуналишда ишлатилганлигини аниқлаш:

- ҳисоблашиш ишларини ўз муддатида бажарилганлигини, дебитор ва кредиторлик қарзлари таркибини ўрганиш;

- қорхонанинг ўзига қарашли маблағлари билан қарз маблағлари ўртасидаги нисбат ва айланма маблағларни манба билан таъминланганлигини текшириш;

- молиявий интизомга қанчалик амал қилишини аниқлаш ва тўлов қобилиятига баҳо бериш;

- қорхона мулкнинг қадрлилиги ва тез пулга айлана олиш даражасини ўрганиш;

- айланма маблағлардан фойдаланишга баҳо бериш ва қорхонанинг молиявий ҳолатини яхшилаш бўйича таклифлар баён этиш ва ҳоказолар.

Молиявий таҳлилнинг асосий мақсади-молиявий фаолиятдаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаб, маблағлардан янада тўғри фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тартибини мустаҳкамлашга қаратилади.

Молиявий таҳлилни бажаришда зарур бўладиган манбаларга қорхона баланси, унга қилинган иловалар ва бошқа молиявий ҳисобот шакллари ҳамда маълумотлари қиради. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобининг синтетик ва аналитик ҳисоблари маълумотларидан ҳам кенг фойдаланиш лозим. Чунки, кейинги йилларда тузиладиган ҳисоботларнинг ҳажми қисқариб, таҳлил имкониятларини чегаралашга олиб келмоқда.

Таҳлилда айниқса, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш, махсус ва мақсадли маблағлар, захира жамғармаси, фойда ва зарарлар, турли хил ҳисоб-китоблар, қимматли қоғоз ва векселлар бўйича маълумотлардан кўпроқ фойдаланилади. Булар хўжалик фаолиятининг тўғри бошқарилиши, унинг молиявий барқарор бўлиши ва тўлов қобилиятининг яхшиланишига бевосита

таъсир кўрсатади. Шу сабабдан ҳам молиявий таҳлил корхоналар фаолиятини иқтисодий таҳлил қилишда катта аҳамият касб этади.

Молиявий таҳлилда асосан корхонанинг балансини, тўлов қобилиятини, молиявий барқарорлик ҳолатларини, корхона мол-мулк таркибини, маблағлар ҳаракатчанлигини, корхона молиявий натижаларини ўрганишга катта эътибор қаратилади.

Бошқариш учун мўлжалланган таҳлил тури эса одатда **ИЧКИ ТАҲЛИЛ** дейилиб, фақат ҳар бир корхонанинг ўзи учун, уни фаолиятини янада яхшироқ, самаралироқ бошқарилиши учун мўлжалланиб ўтказиладиган таҳлилдир. Айрим ҳолларда бундай таҳлил маълумотлари бошқалар учун коммерция сиридир. Ички бухгалтерия ҳисоби бошланғич ҳужжатлари синтетик ва аналитик ҳисоблар ва оператив ҳисоб маълумотларига асосланиб бажариладиган таҳлилдир. Ички таҳлилни қанчалик аниқ, ўз муддатида ва сифатли бажарилиши корхоналарни оқилона бошқарилишига, рақобатбардошлилигини кучайишига таъсир кўрсатади.

3. Жорий, оператив ва истиқболли таҳлил.

ЖОРИЙ ТАҲЛИЛ энг кўп қўлланиладиган таҳлил тури бўлиб, корхоналарни ўтган давр фаолиятини батафсил ўрганишга қаратилгандир. Жорий таҳлилнинг манбааси корхоналарни йиллик, ярим йиллик, чораклик ҳисоботларидир. Демак, жорий таҳлил аниқ рақамларга асосланган бўлади. Бу таҳлил тури аниқ бухгалтерия ва статистик маълумотларга асосланганлиги учун корхоналар фаолиятига тўғри ва ҳолисона баҳо бериш, ўтган йиллардаги йўл қўйилган камчиликлар, йўқотишлар ва фарқларни билишга имконият яратади.

Жорий таҳлил корхоналарнинг ўтган бир неча йиллик фаолиятларини чуқур ўрганишга ҳамда келгусида корхонанинг тактика ва стратегиясини белгилаш учун маълумотлар яратади. Шунингдек, жорий таҳлил корхоналар ишлаб чиқаришининг юқори фойда келтириши учун олиб борилиши лозим бўлган йўналишларини белгилаш имкониятларини яратади.

Жорий таҳлил бошқа таҳлил турларига нисбатан қуйидаги афзалликларга эга:

- корхона ва фирмалар фаолиятини тўлиқ ўрганади ва аниқ баҳо беради;
- аниқ рақамларга ва ҳаққоний маълумотларга асосланади;
- ўрганиладиган мавзулари жуда кенг ва хилма-хил;
- жорий таҳлил маълумотлари корхона келгусида ўз йўлини танлаб олиши учун дастур сифатида маълумотлар беради.

Жорий таҳлил турининг айрим камчиликлари ҳам мавжуд. Бундай камчиликлар қуйидагилардан иборат:

- жорий таҳлил хўжалик жараёнларининг содир бўлиб ўтиб кетган даврини ўрганиши;
- жорий таҳлил натижасида аниқланган камчиликлар, бу корхоналар

учун йўқотиб бўлинган имкониятлардир, яъни, ўзгартириш имконияти йўқ, бўлган жараёндир.

Жорий таҳлил тури амалиётда энг кўп қўлланилаётган таҳлил турларидан бири бўлиб, корхоналардаги иқтисодчилар, банк ташкилотлари, молия органлари, солиқ органлари, суғурта органлари ҳамда ҳиссадорлар томонидан ўзларини қизиқтирувчи са-волларини ўрганишга мўлжаллаб ўтказиладиган таҳлил туридир. Жорий таҳлилда қуйидаги мавзулар ўрганилиши мумкин:

- корхоналарнинг маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини ўрганиш;
- бозордаги талаб ва таклиф, корхона маҳсулотининг рақобатбардошлиги ва бозорда тутган ўрни маҳсулотларни сотиш кўрсаткичларини ўрганиш;
- ишлаб чиқариш бойликлари (ер, асосий фондлар, меҳнат кучлари хомашё ва материаллар) дан самарали фойдаланиш даражасини ўрганиш;
- маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қилинган ҳаражатлар ва унинг молиявий натижага таъсирини ўрганиш;
- фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиш;
- корхоналарнинг молиявий ҳолати, молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти ва бошқалар.

Жорий таҳлилда барча мавзулар кетма-кетликда, умумий ёки ҳар биттасини алоҳида ўрганилиши мумкин.

ОПЕРАТИВ ТАҲЛИЛ қисқа муддатли хўжалик фаолиятини ўрганиш ва ишлаб чиқаришни оператив бошқаришга қаратилади.

Оператив таҳлилни жорий таҳлилдан фарқли томони шундаки, ўрганилаётган жараён билан оператив таҳлил кетма-кет, яъни оралиғи яқин бошланғич ҳужжат маълумотлари, оператив ҳисоб маълумотлари, кунлик иш фаолияти ҳақидаги статистик маълумотлар, содир бўлаётган жараёнларни бевосита бориб кўриш ўлчаш ва айрим ҳолларда суҳбатлашиш натижалари ўрганилиб таҳлил қилинади. Натижада содир бўлаётган хўжалик жараёнлари ўз вақтида ўрганилади. Йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш имконияти қисқа ва тез бўлади.

ОПЕРАТИВ ТАҲЛИЛ ни биз луғавий маъносидан келиб чиқиб, тезкор таҳлил деб айтишимиз мумкин. Бу таҳлил тури билан фақат иқтисодчилар эмас, балки барча ўрганилаётган хўжалик жараёнларига дахлдор ва қизиқувчилар шуғулланиши мумкин. Масалан, ишчилар, муҳандис-техник ходимлар, радио ва телевидение ходимлари ва ҳоказолар.

Оператив таҳлилни бошқа таҳлил турларидан афзалликлари қуйидагилар:

- таҳлил жараёнининг содир бўлаётган хўжалик жараёни билан кетма-кетлиги ва бир-бирига яқинлиги;
- йўл қўйилаётган камчиликларни тузатиш имконияти борлиги;
- корхоналарни оператив бошқариш учун асосий манба эканлиги ва ҳоказолар.

Бошқа таҳлил турлари каби оператив таҳлил ҳам баъзи-бир камчиликлардан холи эмас. Бундай камчиликларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- оператив таҳлил маълумотлари жуда ҳам аниқ ҳаққоний маълумотларни ифодаламаслиги мумкин;
- оператив таҳлил натижаси охирги иқтисодий натижалар маълумотларига тўғри келмаслиги ва ҳоказолар киради.

4. Ички хўжалик ва корхоналараро таҳлил

Таҳлилнинг ички хўжалик фаолиятини ўрганишга қаратилган бу турида эса алоҳида олинган иш жойи, смена, звено, бригада ёки цех фаолиятини алоҳида-алоҳида ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар бир иш жойи ёки цех фаолиятини ўрганиш шу объектга тааллуқли бўлган ҳодиса ва жараёнларни аниқ билишга ва бу кўрсаткичларни корхонанинг умумий фаолиятига қанчалик алоқадорлигини билишни зарурият деб қўяди.

ИЧКИ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШДА кўпроқ, миқдорий кўрсаткичлар таҳлил қилинади, ҳамда бу кўрсаткичларни янада яхшилаш эвазига якуний фаолиятни самарали чиқиши мўлжалланади.

Ички хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда фақат айрим олинган корхона таркибидаги битта бўлим ёки соҳани тўлиқ ўрганиш ташкил этилади ва унинг хулослари фақат шу бўлим ёки соҳага тааллуқли бўлади.

Ички хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда асосий манба ўрганиладиган бўлим ёки соҳа бўйича тузилаётган ҳисобот маълумотларидан ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари, бошланғич ҳужжатлар, статистик ва оператив ҳисоб маълумотларидан фойдаланилади. Хўжалик ички фаолиятини ўрганиш, корхонадаги энг илғор тажриба ёки технология ҳамда энг қолоқ соҳалар нималардан иборат бўлишлилигини кўрсатади.

КОРХОНАЛАРАРО ТАҲЛИЛ дейилганда, ўрганилаётган кўрсаткични иккита ва ундан ортиқ корхона маълумотлари асосида таққослаб ўрганиш тушинилади. Бундай таҳлилни ташкил этишнинг зарурияти шундаки, корхоналар ўртасида ўртача ёки энг юқори натижалар қанчалигини билиш зарурдир, ҳамда корхона эришган натижаси ёки корхонанинг ўртача кўрсаткичи бошқа корхоналарда қанча салмоқни эгаллаши, бошқа корхоналар ўртасида ўрганилаётган корхона қандай мавқега эгаллигини билиш учун ҳам зарурдир.

КОРХОНАЛАРАРО ТАҲЛИЛ бир нечта босқичлардан иборат бўлиб, буларга қуйидаги босқичлар киради:

- корхоналарни танлаш босқичи;
- маълумотларни тўплаш ва таҳлил учун мослаштириш босқичи;
- ўрганиладиган кўрсаткичларни аниқлаш босқичи;
- кўрсаткичларни таҳлил қилиш босқичи;
- маълумотларни умумлаштириш босқичи ҳисобланади.

КОРХОНАЛАРАРО ТАҲЛИЛни амалга оширишда қуйидагиларга кўпроқ эътибор қаратилиши лозим:

- ўрганиладиган корхоналар бир хил ихтисосли ва ҳўжалик йўналиши бир хил бўлишини эътиборга олиниши лозим;
- такқосланадиган кўрсаткичларни аниқланиш услублари айнан бир хил бўлиши лозим;
- бир хил ўлчамдаги ҳисобланган маълумотларгина таҳлил қилиниши лозим.

5. Тармоқлараро ҳудудий ва вазирликлараро таҳлил

Маълум тармоқлар, вилоятлар, туманлар бўйича эришилган асосий, энг муҳим кўрсаткичларни ўрганиш ҳам талаб этилади.

Бундай ўрганишда умумлаштирилган кўрсаткичлар, яъни корхоналар ҳисоботлари бўйича умумлаштирилган битта соҳа ёки ҳудудлар бўйича умумлашган статистик маълумотларни ўрганиш асосида таҳлил ташкил этилади. Бунда шу тармоқ ёки ҳудудлар бўйича ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар, яъни, ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, меҳнат унумдорлиги, ўртача иш ҳақи, умумий фойда ва ҳоказо маълумотлар ўрганилади.

Таҳлил қилишда қўлланиладиган услублар ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, кўрсаткичларни ўрганишда йирик корхоналар сони кўп бўлганида гуруҳлаштириш ва баланс усулларидан кенг фойдаланилади.

Вазирликлар бўйича умумлаштирилган иқтисодий маълумотларни ўрганиш давлат учун қайси соҳа юқори самара келтираётганлигини ёки аксинча умумий соҳалар бўйича ўртача натижалар қандайлигини билиш учун ҳам бундай таҳлил зарурдир. Иқтисодий адабиётларда таҳлилнинг қуйидаги турлари ҳақида ҳам маълумотлар бор.

- техник — иқтисодий таҳлил;
- ижтимоий — иқтисодий;
- экологик — иқтисодий.

6. Функционал қийматли таҳил

Функционал қийматли таҳил энг илғор таҳил тури бўиб, объектларни системали ўрганиш методига асосланиб бажарилади. Бу таҳил турининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- функционал ёндошиш, яъни ўрганиладиган жараёнлар асосий, қўшимча ва ёрдамчи гуруҳларга ажратилиб ўрганилади;
- мулк эгаларининг манфаати нуқтаи-назаридан ёндошиш;
- системали ва комплекс ёндошиш;
- ижодий ёндошиш;
- истиқболли таҳлил методларини қўллаш;

Функционал қийматли таҳлил муҳандислик иқтисодий, ҳуқуқий, технологик масалаларни барчасини мужассамлаштирган ҳолда жараёнларни ва ходисаларни охириги натижасини аввалроқ билиб, ўрганиб турадиган таҳлилдир. Бу таҳлил тури бозор иқтисодиётига ўтган энг ривожланган мамлакатлар бўлмиш **ЯПОНИЯ** мамлакати иқтисодиётининг 70 % дан ортиқ фаолиятида қўлланилади.

АҚШ, ГЕРМАНИЯ ва **АНГЛИЯ** мамлакатларида эса бу таҳлил турининг маълум элементлари амалиётда қўлланилади.

Функционал қийматли таҳлилнинг энг ижобий томони ўрганилаётган иқтисодий ходиса ва жараёнларни қандай натижа билан тугаши аниқ ва аввалдан кўрсата билади.

Функционал қийматли таҳлилнинг асосий мақсади уларни ҳаридоргирлик қиймати ва қиймати бўйича оптимал алоқадорлигини аниқлашдан иборат.

8. Диагностик таҳлил

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таҳлил турларидан бўлмиш диагностик таҳлил муҳим аҳамиятга эгадир. Республикамизда иқтисодий ислохатлар жадал олиб борилаётган бир даврда, мулкчилик шакллари ва ишлаб чиқаришни бошқариш тизими ҳам ўзгариб бормоқда. Кейинги йилларда республикамизнинг бирламчи иқтисодий звеноларида турли хил йўналишдаги иккита ривожланиш ҳолатини кўришимиз мумкин.

Бир томондан корхоналарнинг иқтисодий мустақиллиги кенгайиб бораётган бир пайтда, корхоналар фаолиятини таҳлил қилиб туриш учун таҳлил манбалари ҳажми қисқариб таҳлил имкониятлари чегараланиб бормоқда. Корхоналар ўз ташқи иқтисодий фаолиятларини ҳамда мавжуд меҳнат ресурслари ва моддий ресурсларидан фойдаланишни мустақил олиб боришлари мумкин.

Иккинчи томондан иқтисодий ислохотларни дастлабки даврида Республикамизда умумий иқтисодий ҳолат бирмунча ёмон аҳволда бўлганлиги туфайли, корхоналарни ташқи иқтисодий фаолиятида қаттиқ чегаралашлар ўрнатилганлиги ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш маблағларини шакллантириш юзасидан тегишли чоралар қурилганлиги иқтисодиётда ижобий натижалар бера бошлади. Шу ва шунга ўхшаган чоралар туфайли тўлов баланси меъёрлаша борди, яъни биринчи навбатда корхоналарнинг бюджет олдидаги тўловлари ўз вақтида амалга оширила бошланди. Бунинг натижасида корхоналарнинг иқтисодий мустақиллиги ва хўжалик ҳисоби ривожланиб бормоқда.

Иқтисодий диагностик таҳлил қуйидаги комплекс аналитик вазифаларни ҳал этиш имконини беради:

- маълумотлар манбаи чегараланган ҳолатда корхоналар фаолиятига баҳо

бериш;

- фаолият тартибини баҳолаш, унинг самарадорлиги корхона фаолияти барқарорлиги, муҳимлиги;
- бошқарув қарорларини бажарилишига баҳо бериш;
- ишлаб чиқаришнинг таркиби ва динамикасининг алоқадорлигига ҳамда корхонанинг барқарорлигига баҳо бериш.

Шундай қилиб, иқтисодий диагностика йўли орқали корхоналарнинг ҳўжалик фаолияти ҳолатини, уларнинг бошқарув қарорларининг бажарилишига алоқадорлигини ўрганиш мумкин.

Таянч иборалар

- бошқарув таҳлили;
- молиявий таҳлил;
- жорий таҳлил;
- оператив таҳлил;
- истиқболли таҳлил;
- техник-иқтисодий ва социал-иқтисодий таҳлил;
- корхона ички фаолиятининг таҳлил.

Назорат саволлари

1. Иқтисодий таҳлил фойдаланиладиган ахборот манбалари ва ҳисоб тизимининг юритилиши бўйича қандай турларга ажратилади?
2. Таҳлил этиш даврига қараб иқтисодий таҳлилнинг турлари?
3. Бошқарув объектларига қараб иқтисодий таҳлилнинг турлари?
4. Бошқарув даражаси ва масштаби бўйича иқтисодий таҳлил турлари?
5. Молиявий таҳлилнинг мазмуни ва унинг бош мақсади?
6. Бошқарув таҳлилида ўрганиладиган масалалар ва уларнинг кўлами?
7. Ички ва ташқи таҳлилнинг ўзаро фарқланиш белгилари ҳақида нималар дея оласиз?
8. Жорий таҳлилнинг аҳамияти, зарурлиги ва камчилиги?
9. Оператив таҳлилнинг ўрганиш объектларига нималар киради?
10. Истиқболли таҳлилнинг аҳамияти нимада?
11. Тармоқлараро, ҳудудий вазирликлараро таҳлил кимлар томонидан ва қайси шарт асосида ўрганилади?
12. Функционал қийматли таҳлил қандай таҳлил турига киради?
13. Функционал қийматли таҳлил нечта босқичдан иборат?
14. Диагностик таҳлил тури ҳақида нималар дея оласиз?

Маъруза №6. Иқтисодий таҳлилни манбалар билан таъминлаш.

Режа:

1. Иқтисодий таҳлил манбалари тизими ва уларнинг турлари.
2. Иқтисодий манбалар ва уларга қўйилган талаблар.

3. Таҳлил учун керакли манбаларни тўғрилигини текшириш.
4. Манбаларни компьютерда қайта ишлаш.

1.Иқтисодий таҳлил манбалари тизими ва уларнинг турлари

Корхоналарни тўғри ва оқилона бошқариш учун турли туман маълумотлар тизимидан фойдаланиш зарурки, улар орқалигина тўғри бошқарув қарорлари қабул қилиниши мумкин. Маълумотлар дейилганда иқтисодий ҳодисалар , воқеалар ва ҳўжалик жараёнларини тегишли манбалар орқали акс эттириш, уларни қайта ҳисоблаш ва ўрганиш, ҳамда қизикувчи ташкилотларга узатиш тушунилади.

Таҳлил учун керакли бўлган маълумотларни мазмунига қараб турларга ажратиш мумкин:

- иқтисодий маълумотлар;
- ҳуқуқий – меъёрий маълумотлар;
- илмий – техникавий маълумотлар;
- табиий – экологик маълумотлар;
- бошқа маълумотлар.

Иқтисодий маълумотларни бизнес режа, турли хил ахборот манбалари, технологик маълумотлар, оператив-техник, меъёрий ва ҳисоб ҳужжатлари ташкил этади. Бу манбалар таҳлилда энг кўп фойдаланилади.

Ҳуқуқий-меъёрий маълумотларга эса республикамизда амал қилаётган барча қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва меъёрий далолатномаларда расмийлаштирилган ахборотлар киради.

Илмий-техникавий маълумотлар, энг янги тараққиёт, жаҳондаги ўзгаришлар, фан ва техника ютуқларини ўзида мужассам этган ахборотлардир. Бу ахборотлар таҳлил учун муҳим аҳамият касб этади.

Табиий-экологик маълумотлар, табиат, ер, иқлим ва бошқа экологик омилларни мужассамлаштирган ахборотлар иқтисодий таҳлилда муҳим манба сифатида ўрганилади.

Бошқа манбалар сифатида эса иқтисодий , ҳуқуқий, илмий-техникавий, табиий-экологик манбалардан акс этмаган маълумотлар тушинилади. Бунда оммавий ахборот воситалари, рўзнома ва ойномаларда, радио ва телевидениеда келтирилган ахборотлардан фойдаланиш таҳлил учун муҳимдир.

Кўплаб манбаларни таҳлил жараёнларида қўллаш уларнинг мазмунини бойитишга, бошқарув қарорларини ҳолисона бўлишига ва корхоналарни бозор иқтисодиёти шароитида фаол қатнашишга имкон яратади.

2. Иқтисодий манбалар ва уларга қўйилган талаблар

Иқтисодий манбалар бошқа ахборотлардан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

- Ҳужжатлашганлиги. Барча иқтисодий ва жараёнлар содир бўлиши билан тегишли бошланғич ҳужжатларда қайд этилади, ҳамда ахборот сифатида расмийлаштирилади.

- Турли-туманлиги. Ҳодиса ва воқеалар кўпгина манбаларда қайд этилиб, ҳажми, мазмуни, шакли жиҳатидан бир-биридан фарқланади.

- Оммавийлиги ва ҳажмнинг кенглиги. Кўпгина иқтисодий ахборотлар тегишли шаклга эга бўлганлиги, ҳисобот шаклларининг юқори органлар томонидан тасдиқланганлиги уларни тушунишни, билишни осонлаштиради.

- Маълум даврларда такрорланиб туришлиги. Тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар мунтазам тўлғизиб тегишли ташкилотларга топширилиши кўзда тутилади, ҳисобот даврлари-чораклик, ярим йиллик, ҳамда муддатларга бўлиниб, ахборотлар тузилади.

- +онунлашганлиги ва чегараланганлиги. Барча иқтисодий ахборотлар давлат ташкилотлари, молия вазирлиги, макроиқтисодиёт вазирлиги ва солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклларга асосланиб тузилади. Бозор иқтисоди шароитида корхоналар учун муҳим саналган айрим маълумотлар бошқалар учун махфий бўлиб, фақат эгасининг руҳсати билан эълон қилиши мумкин.

- Кўп қирралилиги ва сермазмунлиги. Иқтисодий ахборотлар миқдор ва қиймат ўлчамларида кўрсатилади, бошланғич ҳужжатларда корхона номи, имзо чекувчиларнинг наслномаси, даври ва маҳсулотларнинг турлари кўрсатилган ҳолда расмийлашади.

Иқтисодий маълумотларнинг аксарият қисмини ҳисоб ахборотлари ташкил этиб бухгалтерия, статистика ва тезкор ҳисоблар мажмуидан иборатдир.

Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари иқтисодий таҳлил ахборотлари таркибида 70% дан ортиқ салмоқни эгаллайди. Ўзбекистон Республикасида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун» 1996 йил қабул қилиниб, барча фаолият кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар бу қонунга амал қиладилар.

Таҳлил учун керакли манбалар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1. Ҳаққонийлик ва ҳолисоналик тамойилига амал қилиш.
2. Манбалар таҳлил қилиниши учун кенг имкониятли бўлмоғи лозим, яъни режа, ҳисоб ва статистик маълумотлар ҳодиса ва жараёнлар мазмунини тўлиқ ёритиши, талаб қилинган вазифаларни бажариши керак.
3. Иқтисодий ҳодиса ва воқеаларни ифодаловчи манбалар аниқ ўлчамда акс эттирилиши лозим.

4. Барча манбаларнинг умумий бирлиги ва узвий боғлиқлиги сақланилади, ҳамда улардаги ахборотлар бир бирини тўлдириб турилишини тақозо этади.
 5. Манбаларга киритилган кўрсаткичларни аниқлаш тамойиллари ва акс эттирилган даврларнинг мослиги зарурдир ва ҳ.к.
- Юқоридаги талабларга жавоб берувчи барча ахборотлар таҳлилнинг аниқ бажарилиши, сермазмун бўлишига имкон яратади.
- Иқтисодий таҳлилда энг кўп фойдаланиладиган манба корхоналарнинг молиявий ҳисоботдаги ахборотларидир. Ҳозирги амалиётда корхона ва ташкилотлар молиявий ҳисоботнинг қуйидаги шакллари тўлғазмоқда:

Шакл №1
Бухгалтерия баланси.

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот йил бошига	Ҳисобот йил охирига
1	2	3	4
Актив			
<i>1. Узоқ муддатли активлар</i>			
Асосий воситалар:			
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (01,03)	010	14418	23264
Эскириш (02)	011	1617	1975
+олдиқ қиймат (010-011)	012	12801	21289
Номоддий активлар:			
Бошланғич қиймат	020		
Эскириш	021		
қолдиқ қиймат 020-021	022		
Капитал қўйилмалар (07-08)	030	5517	7594
Ш.ж. тугалланмаган қурилиш	031	-	-
+олдиқ	032	5517	7594
Шуъба корхонадаги акциялар (06)	040		
Шуъба корхоналарига берилган қарзлар (06)	050		
Уюшма корхоналаридаги акциялар (06)	060		
Уюшма корхоналарига берилган қарзлар (06)	070		
Узоқ муддатли инвестициялар (06)	080		
Бошқа қарзлар (06)	090		
Бошқа активлар	100		
Бўлим бўйича жами: 012+022+030+040+050+060+070+080+090+100	110	18318	28883

2. Оборот активлари			
Ишлаб чиқариш захиралари (10,11,12-13,15,16)	120	9432	14609
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (20,21,23,29)	130	8798	12616
Тайёр маҳсулот (40)	140	130	57
Сотиладиган товарлар (41-42)	150		
Келгуси давр сарфлари (31)	160		
Пул маблағлари (51,52,56,57)	170	1	276
Валюта маблағлари (50,52,55,56,57)	180		
/азнадаги пул маблағлари (50)	190		
Узоқ муддатли қўйилмалар (58)	200		
Олинган хусусий акциялар (56)	210		
Дебиторлар:	220	3484	5890
Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар (09,45,62-82)			
Бунак (аванс) тўловлари (61)	230	3690	2963
Бюджет билан ҳисоблашишлар (68,19)	240	593	
Ходимлар билан ҳисоблашишлар (73)	250		
Шуъба корхоналар билан ҳисоблашишлар (78)	260	901	781
Уюшма корхоналар билан ҳисоблашишлар (79)	270		
Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар (75)	280		
Бошқа дебиторлар (63,71,76)	290	60	140
Бўлим бўйича жами: 120+130+140+150+160+170+180+190+200+210 +220+230+240+250+260+270+280+290	300	27089	37335
Баланс активларнинг жами: 110+300	310	45407	66218
Пассив			
1 Ўзлик маблағларнинг манбалари			
Устав капитали (85,1)	320	6769	6769
қўшилган капитали (85,2)	330		
Резерв капитал (85,3)	340		
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (87)	350	1489	1761
Мақсадли тушум ва фондлар (96,88)	360		
Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резерв	370		
Келгуси давр даромадлари (83)	380		
1-бўлим бўйича жами: 320+330+340+350+360+370+380	390	3258	8530
2. Мажбуриятлар			

Узоқ муддатли қарзлар (95,97)	400		3712
Шу жумладан, муддати узайтирилган кредитлар	405		
Узоқ муддатли кредитлар (92)	410		12312
қисқа муддатли қарзлар (93,94,97)	420		
қисқа муддатли кредитлар (90)	430		
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган (счётларга келиб тушган) бўнақлар (64)	440	2612	7202
Кредиторлар:			
Мол етказиб берувчилар (60)	450	13978	17427
Шу жумладан, муддати узайтирилган кредитлар	455	3712	
Бюджет бўйича қарзлар (68)	460	4911	3049
Шу жумладан, муддати узайтирилган кредитлар	465	2025	2025
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар (70.1, 70.2)	470	4730	8221
Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар (69)	480	10555	5205
Шу жумладан, муддати узайтирилган кредитлар	485	5205	5205
Мулкӣ ва шахсий суғурталар бўйича қарзлар (65)	490		
Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар (67)	500		
Шуъба корхоналарига қарзлар (78)	510		
Уюшма корхоналарига қарзлар (78)	520		
Бошқа кредиторлар (75.1,71.2, 73,76.1, 79)	530	363	560
Бўлим бўйича жами: 400+410+420+430+440+450+460+470+480+490 +500+510+520+530	540	37149	57688
Балансинг пассиви бўйича жами: 390+540	550	45407	66218

Шакл №2

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот.

Кўрсаткичлар	Сатр	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум	010	50094	X	62774	X
қўшилган қиймат солиғи	020	X		X	
Акцизлар	030	X		X	
	040	X		X	
Сотишдан олинган соф тушум	050	50094	X	62774	X

010-020-030-040. . .					
Сотилган махсулот (иш ва хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннархи	060	X	51327	X	78976
Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа	070		1233		16202
Сотиш харажатлари	080	X		X	
Маъмурий харажат	090	X	4617	X	11335
Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар ва харажатлари	100	6580			
Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар)	110	730			27537
Уюшма ва шубба корхоналаридан олинган дивидентлар	120		X		X
Уюшма ва шубба корхоналаридан олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар	130				
Бошқа тўланган ва олинган фоизлар	135				
A	1	2	3	4	5
Валюта курси фарқи	140				
Молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажатлари	145			17159	9058
Умумхўжалик фаолиятдан молиявий натижа (фойда ёки зарар) 110+...+145	150	730		17159	36595
Фавқулодаги фойда ёки зарар	160			19808	
Солиқ тўланганга қа-дар умумий молия-вий натижа 150-180	170	730		372	
Фойда (даромад)дан солиқ	180	X	22	X	86
Юқоридаги моддаларга кирмайдиган бошқа солиқ ва ажратмалар	190	X	4	X	14
Фойдадан тўланган дивидент	195	X		X	
Ҳисобот давридаги соф					

фойда (зарар) 170-180-190-195	200	704		272	
-------------------------------	-----	-----	--	-----	--

Бюджетга тўланмалар тўғрисида маълумот.

Кўрсаткичнинг номи	Сатр рақами	Ҳисобланган миқдор	Ҳақиқатда тўланган
1	2	3	4
Мулкдан олинадиган солиқ	210	207	339
Фойда (даромад)дан олинадиган солиқ	220	86	518
Ер солиғи (ер учун тўланма)	230	3953	1248
қўшилган қийматдан олинадиган солиқ	240	9	142
Акцизлар	250		
Экспорт бўйича бож тўловлари	260		
Импорт бўйича бож тўловлари	270		
Сувдан фойдаланиш тўловлари	280	747	361
Ташқи муҳитни ифлослантира-диган чиқиндиларни чиқаргани учун тўланма	290	102	759
Табий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар	300		
Даромад солиғи	310	1481	175
Бошқа солиқлар	320	1494	5803
Солиқ қонунчилигини бузилиши туфайли иқтисодий огоҳланти-риш	330		
Маҳаллий бюджетга тўланмалар	340	14	17
Жами: (код 210+...+340)			

3.Таҳлил учун керакли манбаларни тўғрилигини текшириш

Иқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган барча манбаларнинг ишончлилиги, аниқлиги ва тўғрилиги текшириш натижаларини самарали бўлишига замин яратади. Керакли манбаларнинг турли – туманлиги, сермазмунлиги ва кўплиги уларнинг сифатли шаклланишига эътиборни қаратилишини тақозо этади. Барча йиғма маълумотларни ҳар томонлама тўғрилигини текшириш:

- техник;
- мазмунан турларга ажратилади.

Техник текшириш-ахборот манбаларини арифметик жиҳатдан тўғрилигини, расмийлаштириш коидаларига риоя қилинганлиги ва кўрсаткичларнинг бир-бирига мослигини эътиборга олган ҳолда ўрганишдир.

Мазмун жиҳатидан текшириш-маълумотларни ҳаққоний эканлиги, унда акс эттирилган рақамларнинг ҳақиқатда борлигини аниқлашни ўз ичига

олади. Бундай текшириш ўз ичига бухгалтерия ҳисоби, бошланғич ҳужжатларида келтирилган рақамларни инвентаризациясини ўтказиш орқали таққослаш, санаб кўриш ва ўлчаш йўли билан тўғрилигига ишонч ҳосил қилишдир.

Айниқса, циклик молиявий ҳисобот маълумотларини мазмунан текшириш таҳлил қилиш ишларини самарали ўтишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Молиявий ҳисобот шаклларидаги маълумотларни бир-бирига мослигини ўрганиш қуйидаги жадвалда келтирилган:

1-жадвал.

Молиявий ҳисобот маълумотларини бир-бирига мослигини текшириш

Кўрсаткичлар	Бирламчи			Иккиламчи			Мослиги
	Шакл рақами	Сатри	Сумма	Шакл рақамии	Сатри	Сумма	
А	1	2	3	4	5	6	7
Асосий воситалар: бошланғич қиймат	1	010	71000	3	130	71000	Мос
Эскириш қиймати	1	011	44500	3	130	44500	Мос
Устав капитали							
Тақсимланмаган фойда	1	320	80000	5	080	80000	Мос
Ва ҳоказолар	1	350	45000	5	080	45000	Мос

Шундай тартибда дебиторлик ва кредиторлик қарзларни, пул маблағлари ҳаракати ва бошқа маълумотларни мазмунан, миқдоран тўғрилигини текшириш мумкин.

4.Манбаларни компьютерда қайта ишлаш

Таҳлил учун керакли маълумотларни аниқ ва тез муддатда тайёрлашнинг энг аниқ йўлларида бири – ЭҲМ лар ёрдамида қайта ишлаш ҳисобланади.

Комплекс автоматлашган шароитда таҳлил учун керакли маълумотлардан фойдаланиш хусусиятлари маълум даражадаги имкониятларни очиб беради:

1. Бошланғич ҳужжатлар – ҳисоб, статистика, меъёрий маълумотлар ЭҲМ нинг хотирасига қўйилиб фақат бир хил манба, яъни машина хотирасига олинади;
2. Таҳлил учун керакли турли мураккаб ҳисоблашлар маълум секундларда бажарилади;
3. Таъсир этувчи омилларни машиналар аниқ кўрсатиб беради;
4. Таҳлил учун керакли маълумотлар ва таҳлил натижалари ўрнатилган шаклда-машинограмма, табелограммаларда ифодаланади;

5. Турли хил иқтисодий маълумотлар машиналар учун бир хил шифр ва кодларда киритилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра ишни автоматлаштирилган тарзда олиб борилиши анча иқтисодий самарадорликка олиб келар экан.

Таянч иборалар

- таҳлил учун зарур ахборотлар ва уларнинг турлари;
- иқтисодий ахборотлар;
- илмий-техникавий ахборотлар;
- табиий-экологик ахборотлар;
- таҳлил учун керак бўлган ахборотларга қўйилган талаблар ва уларни тўғрилигини текшириш;
- бухгалтерия ҳисоби ахборотлари.

Назорат саволлари

1. Иқтисодий таҳлилнинг манбалар тизими деганда нима тушунилади?
2. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган маълумотлар мазмунига қараб қандай турларга ажратилади?
3. Ҳайси маълумотлар манбаи иқтисодий маълумотлар таркибига киритилади?
4. Иқтисодий манбалар қайси хусусиятлари билан бошқа маълумотлардан ажралиб туради?
5. Таҳлилда қўлланиладиган манбалар қандай талабларга жавоб бериши керак?
6. Иқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган манбалар тўғрилиги қайси усуллар орқали текшириб чиқилади?
7. Маълумотларни автоматлаштириш иқтисодий таҳлил учун қандай имкониятларни очиб беради?

Асосий адабиётлар:

1. И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент: «Ўзбекистон», 1996.
2. И.А.Каримов. «Буюк келажак сари». Тошкент: «Ўзбекистон», 1998.
3. И.А.Каримов. «Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз». Тошкент: «Ўзбекистон», 1999.
4. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун». 1996йил, 30 август.
5. М.И.Баканов, А.Д.Шеремет. «Теория экономического анализа». М.: «Финанс и статистика», 1999.
6. М.И.Баканов, А.Д.Шеремет. «Теория экономического анализа». М.: «Финанс и статистика», 1997.

Маъруза № 7. Иқтисодий таҳлилни бозор иқтисодиёти шароитида ташкил қилиш

Режа:

1. Корхоналарда иқтисодий таҳлил ўтказишнинг тартиби ва бажарилиши.
2. Иқтисодий таҳлилни ташкил этиш босқичлари.
3. Таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш.
4. Автоматик бошқариш системаси шароитида иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг хусусиятлари.

1. Корхоналарда иқтисодий таҳлил ўтказишнинг тартиби ва бажарилиши

Бозор муносабатлари соҳасида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект тасарруфидаги барча молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларининг ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаш зарур бўлади. Аммо кўпгина корхона ва ташкилотлар иқтисодий мустақиллик, ҳамда ички ва ташқи бозорда битимлар тузиш ҳуқуқини қўлга киритганларидан сўнг хўжалик юритишнинг янги шароитларига тайёр эмасликлари аён бўлиб қолди.

Бозор иқтисодиёти соҳасида бошқарув субъектларини фақат ахборотга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу ахборот билан ишлаш, тўғри хулосалар чиқариш ва улардан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун зарур бўлади. Самарали бошқаришда энг муҳими ахборот ва ундан фойдалана билишдир.

Иқтисодий ахборотлар билан ишлашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири уни таҳлил қилишдир. Таҳлил давомида хўжалик фаолиятини ўрганишда ҳамда хулосалар чиқаришга асос бўладиган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Корхона иқтисодий-молиявий аҳволини таҳлил қилиш билан шуғулланаётган ҳар бир ходим корхонанинг бошқарув ва молиявий ҳисобот шакллари эркин ўқишни, унинг моддаларини тушунишни, шунингдек хулосалар чиқариш ва тавсиялар бера билиши керак.

Корхоналарда иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ихтиёрийлик ва амалиётдаги тажриба ҳамда талабдан келиб чиққан ҳолда, таҳлил ишлари ташкил этилади. Таҳлилни ташкил этишда ўрганиладиган мавзуларнинг қўлами ва аҳамиятига қараб иқтисодчилар билан бир қаторда корхонанинг барча мутахассисларидан тортиб оддий ишчисигача иштирок этишлари мумкин бўлади.

Иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг зарурияти ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида янада ортган бўлиб, ҳар бир фаолиятнинг корхона учун манфаатлилик даражасини аниқлашдан, бу фаолиятнинг иқтисодий нуқтаи назардан тўғри ташкил этилганлигига баҳо беришдан иборатдир.

Иқтисодий таҳлилни корхона миқёсида тўлиқ ташкил этишга бевосита жавобгар бош ҳисобчи ёки корхона бошқарувчиси бўлиши мумкин, шерик корхоналарда эса бу масалага бевосита корхона бошлиғи ёки иқтисодий масалалар бўйича корхона бошлиғининг муовини шуғулланиши мумкин бўлади. Корхоналарда цех ёки бригада маълумотлари бўйича иқтисодий таҳлилни эса шу бўлим бошлиқлари ташкил этишлари керак бўлади.

Бошқарувнинг ҳамма бўғинларида умумий ишлаб чиқариш соҳасини самарадорлигини оширишда аналитик ишни ташкил этиш ва иқтисодий таҳлилнинг роли ошиб бормоқда. Ушбу ҳолатда келиб чиқиб иқтисодий таҳлил ташқи ва ички таҳлил турларига бўлинади.

Корхона ва бирлашмаларни ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятининг ташқи таҳлилини қуйидагилар олиб борадилар:

- бошқарувнинг юқори органлари;
- молия органлари;
- банк ташкилотлари;
- солиқ органлари ва ҳоказолар.

Иқтисодий таҳлил ишларини корхона ва бирлашмалар билан бир қаторда бошқа ташкилотлар ҳам олиб бориши мумкин, буларга:

- режалаштириш ташкилотлари;
- илмий тадқиқот ва лойҳалаштириш институтлари;
- жамоат ташкилотлари;
- матбуот органлари кабилар киради.

Ички таҳлилни корхона ва бирлашмаларни ишчи ходимлари олиб борадилар. Уларнинг турли таркибий бўлинмалари ўзларига тегишли функцияларни белгилаб оладилар. Иқтисодий таҳлил кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Корхонани ҳамма фаолият соҳаларида мавжуд бўлган резервларни излаб топиш, тақсимланган мажбуриятларни аниқ бажарилиши ва уларни амалга оширишда маъсулиятни хис этиш лозим бўлади.

2. Иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг босқичлари

Иқтисодий адабиётларда иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг қуйидаги босқичлари келтириб ўтилган:

Таҳлил ўтказиш режаси ва дастурини тузиш босқичи. Иқтисодий таҳлилнинг дастури ва режасини тузиб олиш таҳлилни ташкил этишнинг асосий қисмидир. Бу босқичда иқтисодий таҳлил ишлари нимадан бошланиши, таҳлил ўтказувчи комиссияга кимлар киритилиши ҳамда таҳлил ишлари нима билан якунланиши кўрсатиб ўтилади. Бундан ташқари, иқтисодий таҳлил ўтказиш дастурида қуйидагилар аниқ кўрсатилган ва белгиланиб олинган бўлиши лозим:

- таҳлилнинг мақсади ва вазифасини аниқлаш;
- таҳлил объектини аниқлаш;

- иқтисодий таҳлил ишларини олиб бориш жойи;
- таҳлил мазмунини изохлаш;
- ижрочилар таркибини ва уларнинг вазифаларини белгилаш;
- таҳлил ўтказиш муддатини белгилаб олиш;
- таҳлил манбаларини ва уларни натижаларини расмийлаштириш тартибини аниқлаб олиш.

Таҳлил учун керакли бўлган манбаларни аниқлаш ҳамда ҳисобланадиган кўрсаткичларни белгилаш. Бу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- таҳлил учун зарур маълумотларни аниқлаш;
- таҳлил манбаларини аниқлаш;
- қўшимча маълумотларни жалб этиш.

Тўпланган манбаларни тўғрилигини текшириш ҳамда ишончлилигини аниқлаш. Бу босқичда қуйидагилар амалга оширилади;

- таҳлил усуллари аниқлаб олиш
- маълумотларни соддалаштириш;
- жадвал, схема ва макетлар тузиш;
- таъсир этувчи факторларни аниқлаш;
- резервларни аниқлаш.

Иқтисодий таҳлил босқичи. Бу муҳим босқич бўлиб, бевосита таҳлил ишлари бажарилади, кўрсаткичлар ҳисобланади. Ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- мезон кўрсаткичларини аниқлаш;
- кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш ҳамда натижаларни баҳолаш;
- баҳолашда экспертизадан фойдаланиш;
- натижаларни умумлаштирувчи мезонлар;
- таҳлил натижаларини хулосага тайёрлаш.

Таҳлил натижаларини умуллаштириш ва расмийлаштириш босқичи. Бу босқичда ўрганилаётган иқтисодий жараён яқунланади ва маълум бир ўзгаришларга баҳо берилади ҳамда таҳлилга яқун ясалади. Бундан ташқари, ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим бўлади:

- корхона фаолияти натижаларининг ўзгариш сабабларини аниқлаш;
- корхона фаолиятини яхшиланиш резервларини аниқлаш;
- аниқланган резервлардан фойдаланиш тадбирларини белгилаш;
- таҳлил натижаларини ҳисоблаш ва ҳисоботда ифодалаш.

Таҳлил натижасида илғор ғоя ва тажрибаларни амалиётда қўллаш шарт-шароитларини кўрсатиб бериш, ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш босқичи.

Одатда, корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш даврида маълумотлар манбаи йиғилади. Ушбу маълумотларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида улар текширилади. Таҳлил учун йиғилган маълумотларни текшириш икки усулда олиб борилади:

- 1) юзаки текшириш;

2) мазмун жиҳатидан текшириш.

Юзаки текширишда, ҳисоботга барча маълумотларнинг киритилганлиги, уларнинг арифметик йиғиндиси, Молия вазирлиги ҳамда Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳисобот шакллариغا риоя қилинганлиги, ҳисоботни топшириш муддати, мансабдорлар имзосининг мавжудлиги.

Мазмун жиҳатидан текшириш куйидагиларни ўз ичига олади:

- инвентаризация натижалари ҳисоботда ўз аксини топганлиги;
- корхона ҳисобот маълумотларидаги бюджетга тўловлар ва бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириш суммасини молия ташкилотлари маълумотларига мос келиши;
- фойда ва зарарлар счётига ўтказилган кўрсаткичларни текшириш (устав капиталининг ўзгариши, табиий офатдан кўрилган зарар, асосий воситаларни тугатилиши ва ҳоказолар).

Корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш давомида кўплаб манбалардан фойдаланишга тўғри келади. Таҳлилда қўлланиладиган манбаларни куйидагиларга ажратишимиз мумкин бўлади:

- 1) режа маълумотлари манбалари;
- 2) ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари манбалари;
- 3) қўшимча маълумотлар манбаи.

Режа маълумотлари манбалари таркибига бизнес режа кўрсаткичлари, белгиланган лимитлар, белгиланган меъёр ва меъёрномалар, шартнома кўрсаткичлари киради.

Ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари манбаларига бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари, статистик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари, оператив ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари киради. Таҳлилнинг асосий маълумотлар манбаи – бу бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари бўлиб, улар корхона фаолиятининг барча жараёнларини ўз ичига олади. Бунда маблағлар ҳаракати, уларнинг манбалари, уларнинг хўжалик алоқалари акс этади. Бухгалтерия балансида маблағлар, улар манбаларининг жойлашиши ва ҳосил бўлиш манбаларига қараб ифодаланади.

Статистик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари таҳлил учун асосий манба бўлиб ҳисобланади. Бу ҳисоботда ҳодиса ва жараёнларнинг жами кўрсатилади, улар микдор жиҳатидан характерлайдиган муайян иқтисодий қонунларни аниқлайдиган тарзда акс эттирилади.

Оператив ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларига ва статистик ҳисобот маълумотларига нисбатан зарурроқ информацияни бирмунча тезроқ олишга имкон беради.

Иқтисодий таҳлилни янада чуқурроқ амалга ошириш учун ҳисоб маълумотларига тааллуқли бўлмаган, яъни қўшимча маълумотлардан фойдаланиш лозим бўлади. Бундай маълумотлар таркибига банк, молия, солиқ инспекторлари томонидан тузилган далолатнома, инспекторларни

тақдим этган маълумотлари, аудитор хулосалари, радио ва телевидение маълумотлари, оммавий ахборот воситалари манбалари, ишчи ва хизматчилар билан бўлган мулоқот натижалари киради.

3.Таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш

Одатда, таҳлил маълумотлари ва уларни натижалари уни ким ва нима мақсадда ўтказилганлигига қараб, турли шаклда умумлаштирилиши мумкин. Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти таҳлилининг натижалари аналитик мавзулар ёки хўжаликни йиллик ҳисоботида илова қилинадиган баённома кўринишида ифода этилади.

Таҳлил натижаларини умумлаштириш ва якунлаш қайси турдаги таҳлилни ўтказганимизга қараб бажарилади. Масалан, корхоналарнинг йиллик ҳисоботи асосида ўтказилган жорий таҳлилнинг якуни, умумий хулосалар ёзиш ва юқори ташкилотларга тушунтириш хати тузиш орқали якунланади. Бошқа таҳлил турларининг натижалари эса мутахассисларнинг маърузаси, корхона раҳбарининг буйруғи, жамоанинг мажлисининг баёни, тафтиш комиссиясининг далолатномалари орқали умумлаштирилиши мумкин.

Таҳлил натижалари умумлаштирилганда албатта эришилган натижалар, йўл қўйилган камчиликлар ҳамда ютуқлар аниқ рақамларда ва фактлар билан кўрсатилган бўлиши талаб этилади. Шунингдек, йўл қўйилган камчиликларни тузатиш чора-тадбирлари, таклифлар ҳам кўрсатилади.

Иқтисодий таҳлил натижаларини расмийлаштириш ва умумлаштиришга корхонанинг умуммажлис материаллари, турли хил диаграмма, жадвал ва графиклар тузиб кўрсатма сифатида осиб қўйиш, ойнома ва рўзнома доскаларида кўрсаткичларни эълон қилиб бориш ҳам ҳисобланади.

Аналитик ёзувда корхона ва ташкилотларни хўжалик фаолияти якунлари бўйича йиллик ёки чораклик ҳисоботга тушунтириш хатлари, юқори ташкилотларнинг уларга бўйсунувчи ташкилотлар ҳақидаги хулосалари бўлади.

Тушунтириш хати режани бажарилиши ҳақидаги умумий характеристика ва кўрсаткичларни аввалги даврларга нисбатан ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотлар билан бошланади. Сўнгра натижани режадан тафовутининг сабаблари, айрим омилларнинг ўзаро боғланиши ва улар хўжалик фаолиятининг кўрсаткичлари ифодаланади.

Аналитик ҳисоб-китоб аналитик жадваллар кўринишида расмийлаштирилади. Уларни ҳар бирига хулосалар ва кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини ечиб берувчи матнли иловалар берилади.

Баённомани хотима қисмида хулосалар, аниқланган камчиликларни тузатиш йўл-йўриқлари, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга доир резервлардан фойдаланиш юзасидан конкрет (аниқ) таклифлар баён қилинади. Баённома тушунарли, илмий асосланган, ихчам, аналитик жадваллар билан боғланган бўлиши керак бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай таҳлил корхона раҳбарининг умумий йиғилишдаги маърузаси учун зарур бўлади.

4.Автоматик бошқариш тизими шароитида хўжалик фаолиятини таҳлил этиш хусусиятлари

Автоматик бошқариш тизими шароитида хўжалик фаолиятини таҳлил этиш дейилганда, электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида ва иқтисодий математик усуллари қўлланган ҳолда ишлаб чиқаришнинг муҳим соҳаларини аниқ ва тўғри бошқариш вазифаларини амалга ошириш тушунилади. Буни амалга ошириш уч хил йўналишда бўлиши мумкин, яъни:

- марказлашган;
- марказлашмаган;
- аралаш.

Хўжалик фаолиятини таҳлил этиш автоматик бошқариш тизими шароитида амалга ошириш куйидаги тамойилларга амал қилади:

- аниқ мақсадга эга эканлиги тизимлашганлиги;
- комплекслилиги;
- ихчамлашганлиги;
- узлуқсизлик ва мунтазамлилик;
- таққосланиш имкониятининг кенглиги;
- ечим лойиҳасининг аниқ ва ихчамлилиги.

Автоматик бошқариш тизими шароитида таҳлил этиш қуйидаги шароитда бажарилади:

- қайд этиш;
- бошланғич маълумотларни йиғиш ва узатиш;
- умумий маълумотлар базасини ташкил этиш;
- кўрсаткичлар алгоритми бўйича маълумотларни қайта ишлаш;
- истеъмолчилар учун керакли маълумотларни тайёрлаш.

Таянч иборалар

- корхона ва фирмаларда иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш;
- ички таҳлилнинг ташкил этилиши;
- ташқи таҳлилнинг ташкил этилиши;
- таҳлилни ташкил этиш босқичлари;
- таҳлил дастури ва режасини тузиш;
- ахборотларни йиғиш ва текшириш;

- таҳлил этиш ва таҳлил натижаларини шархлаш;
- таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш;
- иқтисодий таҳлил кенгаши.

Назорат саволлари

1. Корхоналарда иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг зарурияти.
2. Корхоналарда иқтисодий таҳлил қандай тартибда ўтказилади?
3. Иқтисодий таҳлил ишларини кимлар олиб боришлари мумкин?
4. Ички таҳлил ишлар кимлари томонидан бажарилади?
5. Иқтисодий таҳлилни ташкил этиш қандай босқичларни босиб ўтади?
6. Бозор иқтисодиёти шароитида таҳлилни ташкил этиш босқичларининг қандай муқобил вариантлари мавжуд?
7. Таҳлилда қўлланиладиган манбалар?
8. Таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш босқичида қандай ишлар амалга оширилади?
9. Хўжалик фаолиятини автоматик бошқариш тизими шароитида таҳлилни ташкил этиш деганда нимани тушунасиш?
10. Автоматик бошқариш тизими шароитида хўжалик фаолиятини таҳлил этиш қандай тамойилларга амал қилади?

Асосий адабиётлар:

2. И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент: «Ўзбекистон», 2006.
3. И.А.Каримов. «Буюк келажак сари». Тошкент: «Ўзбекистон», 1998.
4. М.И.Баканов, А.Д.Шеремет. «Теория экономического анализа». М.: «Финансы и статистика», 1998.
5. М.И.Баканов, А.Д.Шеремет. «Теория экономического анализа». М.: «Финансы и статистика», 1997.

Муҳаррир Умрзокова Т.И.

Босишга рухсат этилди . . . Ҳажми 1,756.в. Буюртма

қоғоз бичими 60x84 1/16 Сони . . . нусха. Бепул

ТошТЙМИ босмахонаси. Тошкент шаҳри, Одилхўджаев кўч., 1 уй.

© Тошкент темир йўл муҳандислари институти 2010 й.